

R 496
1969/3

ГУЛИСТОН

№ 3 (27) 1969


913
№3



З. ЛЕЛЯВСКАЯ. ЕР ЭГАЛАРИ.



З. ЛЕЛЯВСКАЯ. БАЙРАМ.



Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитети
журнали



R 496

№ 3 (27)

Март 1969

Эта
№3

Ушбу сон мазмуни

Баҳор шаббодалари
Лениннома
Андижон машинасозлари
Қизлар мушоираси
Совчилар
Халқаро шарҳ
Аёлларга очиқ хат

ЗАРВАРАҚЛАРДА

Муқованинг биричи саҳифасида: Бу қизлар эғнида марғилон атласи.

Г. ГРАФКИН ва Г. БОЙКО фотоси.

Иккинчи саҳифада:

З. ЛЕЛЯВСКАЯ. «Ер эгалари», «Байрам».

Учинчи саҳифада: Самарқанд музейидан нусхалар.

Тўртинчи саҳифада:

Натюрморт. Лолалар.

Г. ГРАФКИН фотоси.

Бош муҳаррир: Иброҳим РАҲИМ. Таҳрир ҳайъати: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Аҳмад ЖАВБОРОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Исқандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАММЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Ҳамидулла НУРУЛЛАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Унтам ОРИПОВ, Рустам РАҲМОН (масъул котиб), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУЖАЕВ, Саид ШЕРМУҲАММЕДОВ, Комил ЯШИН, Муҳаммадҷон УРОЗБОЕВ, Тошмуҳаммад ҚОРИНИЗИЙ.

«Гулистон» — общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Журнални бош расм Э. РУЗИБОЕВ безаган.
Саҳифаловчи М. ЕФИМОВА.

АДРЕСИМИЗ: Тошкент, 47, КАРЛ МАРКС кўчаси, 30-уй.

«Гулистон» телефонлари. Бош муҳаррир — В-33520. Бош муҳаррир ўринбосари — В-33590. Масъул котиб — В-33659. Иктомий-сиёсий бўлим — В-33602. Адабий-бадиий бўлим — В-33519. Қабулхона — В-33519.

Теришга топширилди 4/II-69 й. Босишга ижозат берилди 24/III-69 й. Қоғози 70×108¹/₈. Ҳажми 4,5 босма табақ.
Буюртма 13. Нусхаси 154981. Баҳоси 30 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Баҳор шаббодлари

Тоғларда қор эриб,
Йўллар очилди.
Йўлларда анвойи гуллар очилди.
Бу — наврўз,
Бу — наврўз,
Наврўзи олам,
Наврўзда ёқуту феруза олам.
Бу — баҳор,
Бу — баҳор,
Гоҳ ёмғир,
Гоҳ нур,
Ерларга сочгани гавҳар билан дур.

Баъзилар баҳорни келин дейдилар,
«Жонимиз садага!»
Келинг», дейдилар.
Демакки,
Рўзгорда баҳор ҳам дастёр,
Унга иш буюриб,
Сийлар дўсту ёр.

Баъзилар баҳорни атайди меҳмон,
Йўқ,
Бунга ишонмас меҳнаткаш инсон.
Баҳор ҳам биз билан ишловчи деҳқон,
Қўлида тулқайчи,
Баҳор ҳам боғбон.
Келмоқда,
Келмоқда,
Ваъдаси улкан.
Ваъдасин бир бошдан тинглар экансан,
Албатта,
Шубҳасиз ишонмоқ керак,
Хаволар ҳосилдан бермоқда дарак.

Пахтакор деҳқонлар дилида шодлик,
Миришкор боғбонлар дилида шодлик.
Тўрт миллион тоннадан ортажак ҳосил,
Ноз-неъмат бўлгуси тогли ва асил.

Баҳорнинг чиройин кўрмоқ бўлсангиз,
Баҳорнинг гаштини сурмоқ бўлсангиз,
Қани, ҳей дўстларим,
Юринг қирларга,
Пахтазор,
Бугдойзор,
Барқут ерларга.
У ерда баҳорни кўрарсиз роса,
У ерда баҳорга тўярсиз роса.
Меҳнат жангларида чиниқиб, пишиб,
Қалбингиз дарёдай мави урар жўшиб.
Ва шунда хаёллар элтар олисга,
Баҳор ҳавосидан нафас олишга
Зор бўлган баҳодир Вьетнам дарди,
Қишлоқлар устида порохнинг гарди
Менинг ҳам ўпкама ёпишган гўё.
У ердан олисдир баҳорий зиё.
Музларни эритиб келган шаббода,
Уйқумдан уйғотиб елган шаббода,
Борақол,
Борақол Вьетнамга ҳам,
Баҳорни бирликда кўрайлик баҳам.
Юргимдан туганмас салом олиб бор,
Йўлларда сочмасдан тамою олиб бор.
Истайман:
Ҳеч ерда бўлмасин уруш,
Меҳнатдан барқ урсин баҳор ва турмуш.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

ЎЗБЕКИСТОНДАН САЛОМ



Симбирскнинг кишилик тарихида тутган алоҳида ўрни бор. Ўтмишда бу шаҳарда кўплаб тараққийпарвар кишилар яшарди. Турли вақтларда декабристлар— В. П. Ивашев ва Н. И. Тургенев, Карл Маркс билан шахсан таниш ва у билан мактуб ёзишиб турган таъқидчи П. В. Анненков, шоирлар Д. Д. Минаев, Н. М. Язиков, И. И. Дмитриев, адабиётчи, 1812 йил Ватан урушининг машҳур партизани Денис Давидов, ёзувчилар Д. В. Григорович, С. Т. Аксаков, машҳур тарихчи Н. М. Карамзин сингари ушлаб аjoyиб кишилар истиқомат қилар ва ишлар эдилар. Кўп кишилар ўша давр илгор намоёндалар тарбиясини олдилар, дунёнинг оқ-қорасини танидилар, В. Г. Белинский, Н. Г. Чернышевский ва Н. А. Добролюбов, А. И. Герцен таълимоти замирида тарбия топдилар.

Володя Ульяновнинг отаси Илья Николаевич Ульянов 50—60 йилларнинг кўза кўринган зиёдиларидан бўлиб, мамлакатда илгор гоёларни тани олларди. В. И. Лениннинг онаси Мария Александровна муаллимчилик қиларди. У немис, инглиз ва француз тилларини биларди.

Биз Симбирскнинг Стрелецкий (ҳозирги И. Н. Ульянов) кўчаси, 21-ҳовлисидаги кичкинагина уйда халқ билим юрти инспектори Илья Николаевич Ульянов оиласида туғилган Володянинг ҳамда Ульяновлар оиласининг ҳаёти билан муфассал танишдик. Улар 1878 йил 2 августда сотиб олган Москва (ҳозирги Ленин кўчаси, 72-уй), кўчасидаги ҳовли ҳам ҳамманинг эътиборини жалб этди. Бу В. И. Ленин уй-музейидир. Мана веча йилдирки, бу уй-музейдан одам аримаydi. Унта кичик-кичик хоҳадан иборат шу ҳовлида Владимир Ильичнинг ўқувчилик йиллари ўтди. Бу уйда унинг бутун оиласи яшади. Шу туфайли ҳам бу уй ҳамма учун энг қадрдон, энг муқаддас жой бўлиб қолди.

Саёҳатчилар кўз ўнгига Ленин оиласининг кечмиш ҳаёти гавдаланади. Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги оқсоқоллари Ленин оиласининг ўта камтарлигига, рўзгор тебратни, уйларни озода тутишларига тахсинлар ўқийдилар.

Владимир Ильич Лениннинг хонаси бошқа хоналардан оддийлиги билан фарқ қилмайди. Мана, у бизнинг кўз ўнгимизда. Уни ҳамма синчиқлаб қуришга интилади. Уйда оқ чойшаб тўшалган ўша пайдаги темир қаработ, иккита стол, ўзлари ёғочдан ясаган жавон. Унда китоб, дарсликлар тахлаб қўйилган. География харитаси осяғлиқ. Стол устида Ленин гимназиянинг IV ва V синфларида қандай ўқиганлигини кўрсатувчи жадал, олтин нишон, етуклик гувоҳномаси, гимназияни тамомлагани ҳақида берилган тақдирнома ва бошқа ҳужжатлар авайлаб сақламоқда.

Билимга жуда берилиб, қийналмасдан ўқиган Володя Ульянов сира керилмас, ўзига бино қўймасди. Мисол-масалаларни ечишда, қадимий тилни ўрганишда синфдошларига жони-дили билан ёрдам беради.

Владимир Ильич, айниқса Н. Г. Чернышевскийга юксак баҳо беради. Ўн беш ёшида Чернышевскийнинг «Нима қилмоқ керак» романини ўқиган Ленин кейинчалик бу асар ҳақида бундай деган эди: «...Унинг таъсири остида юзлаб кишилар инқилобчи бўлдилар. У, масалан, акамини ўзига жалб қилди, мени ҳам ўзига торти...»

Володя боладигиданоқ акаси Александрга ҳавас қилган. У Александрдан инқилобий-демократик анъаналарни қабул қилиб олади, Александр туфайли марксистик адабиётлардан хабар топди. К. Маркснинг «Капитал» нини даставвал акасининг қўлида кўрди. Александр Ильичнинг қатл этилиши Владимир Ильичнинг инқилобий йўлдан боришидаги қарашларини янада мустаҳкамлади.

«Севимли акасининг ўлими,— деб эслеган эди Н. Крупская,— Владимир Ильични чуқур қайғуга солди. Акасининг ёрқин ҳаётига... унинг жасурлик, қаҳрамонлигига қойил қолган Владимир... Александрнинг таллаган кураш йўлини қоралаб, қатъий деган эди: «Йўқ, биз бундай йўлдан бормаймиз. Бундай йўлдан бориш мумкин эмас!»

Акаси Александр воқеаси муносабати билан Владимир Ильичга 1887 йил баҳорда етуклик гувоҳномаси имтиҳонини оғир шароитда топиришга тўғри келди. Бу жудалик Владимирни умидсизлик гирдобига отмади. Унга берилган тақдирномада бундай ёзилганди: «қудда талантли, ҳаммаша тиришқоқ пухта Ульянов барча синфларда биринчи ўқувчи ва ўзлаштириш, ўзини ҳамда одобга энг муносиб бўлганлиги учун курсни тамомлашда олтин медал билан мукофотланди».

Ҳаммамиз собиқ гимназиянинг (ҳозирги Ленин номли 1-ўрта мактаб) 7-синф-музейига ҳаяжон билан қадам қўямиз. Йўл бошловчи Владимир Ильич Лениннинг қандай ўқиганлиги ҳақида батафсил тушунтириб беради. Унга катта бўлмаган синфда дераза ёнидаги энг охириги партада Владимир Ульянов ўтирган. 1954 йилгача бу синфда машгулотлар ўтиларди. Ленин ўтирган партада энг илгор ўқувчи ўтириш ҳуқуқига эга бўларкан. Ҳозир биринчи синф ўқувчиларигина шу синфда дарс ўтишати. Ленин ўтирган парта муқаддас сақланади. Парта устидаги тахтачада: «Шу жойда Владимир Ильич еттинчи синфда ўтирган» деб ёзиб қўйилган.

Лениннинг киндик қони тўқилган Ульяновск шаҳри қиёфаси беқиёс ўзгарган. Саноат корхоналари билан бир қаторда, кўп қаватли турар жой лаҳалари, мактаблар, санъат, маданият ўчоқлари, спорт саройлари ва бошқа серҳашам бинолар қад кўтарди. Шаҳарнинг истиқболи янада катта. У бош режага асосан қайта қурилади. Биз оламшумул зотни ҳаёда этган Ульяновскга Ўзбекистондан оташин салом топириб, ўша кунни Қозонга йўл олдик.

Санжар ТИЛЛА.




АССАЛОМ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН!

Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати ҳафталиги қардош ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг бузилмас дўстлиги, ҳамкорлиги намоёншига айланди.


- ◆ «Партиямизни улуғлаймиз» Бирлашган хор бу кўшиқни зўр жўшқинлиқ билан ижро этди.
- ◆ Еш жиров Жаңсилиқ Сиримбетов кўбизда ўз бахтини нўйлаб турганида фото мухбиримиз суратга олди.
- ◆ Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Содиқ Нурумбетов Навоий номидаги Адабиёт музейида.
- ◆ Қорақалпоқ гўзаллари «Пошшойи нўйлагим» рақсини ижро этганларида томошабинлар нафас ютиб қоладилар.

С. БЕЗНОСОВ фотолари.





● Корхонанинг энг яхши пўлат қуювчиларидан А. Пестов.




Андижон машинасозлик заводининг довруғи ҳозир Ўзбекистон доирасидан Бутуниттифоқ доирасига, ҳатто жаҳон миқёсига чиқди.

Бу таърифга андижонликларнинг юзлаб, минглаб С-245 маркали насослари, ПУ-0,5 деган универсал юклагичлари, Т-62 номидаги дизеллари гувоҳлик берапти. Дилларга шу нарса таскин ва севинч бахш этадики, Т-62 дизели ҳозирнинг ўзидаёқ дунёнинг 35 мамлакатига экспорт қилинмоқда. Завод фидокорлари шу кунларда эрксевар вьетнамликлар учун янги машина ва ускуналар ишлаб чиқармоқдалар.

С. БЕЗНОСОВ фотолари.


● Ихтирочилик бюросида.

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛАРИ



● Пулат қуйилмоқда.

● Слесарлар А. Ваҳобов билан Р. Слякаев иш устида.



Узбек маданияти дунёдаги қадимий маънавий ёдгорликлардан ташкил топади. Халқ оғзаки ижоди-га мансуб бўлган шундай асарларимиз борки, уларнинг ёши минг йиллар билан ўлчанади. Ҳозирча бизга маълум бўлган энг кенса ёдгорлик бу йил 900 ёшга кирди.

Бу узоқ тарих давомида ёзма бадий адабиёт кўп тараққибт босқичларини босиб ўтди. Оламга Лутфий, Навоий, Бобир, Огаҳий, Муқимий, Фурқат каби ўнлаб ажойиб адибларни тақдим этди. XX аср бошига келганда у халқчил адабиёт шаклига ўтиб, меҳнаткаш омманнинг фаол ҳимоячисига айланган эди. Шу даврда демократик адабиётнинг ёш резерви сифатида Ҳамза Ҳакимзода Нийзий ижод майдонига кириб келди.

Ёш Ҳамза илк шеърларидаёқ инқилобдан аввалги ижтимоий тузумнинг адолатсизликларини дадил фож этди:

**Эмонлар пул туйфайл
этибор олди днёр ичра,
Ғафир, бечоралар қолди
фигону оху зор ичра,—**

деб ёзган эди ёш шоир.

Шундан бошлаб то Октябрь инқилоби содир бўлгунча Ҳамза қисқа аммо гоят тез ижодий эволюцияни бошдан кечирди. Жуда ҳам фаол бўлиб, жамият ҳаётида иштирок этди.

**Уйлама ўлгунча ҳар ким
бу разолатда кетар,
Шоҳлар бир қуи, гадо,
бир кун гадо шахзоддир,—**

деб қатъий ишонган Ҳамза дунёдаги адолат тантанасини таъминлаш учун тинмай курашди.

Авалло у адолат учун кураш халқни маърифатли қилишдан бошланади деб ўйлаб, мактаб очиб муаллимлик қилди. Шеър ёзиб элни маърифатга қақирди. Мактаблар учун дарсликлар ёзди. Адибнинг шу йиллардаги барча асарлари, публицистик мақола ва романилари, қўшиқ ва драмалари, маърифатпарварлик гояси билан суронилган эди.

Кейинчалик адиб жамиятни фақат инқилобий йўл билан ўзгартириш мумкинлигини чуқур тушунди ва ўз фаолиятини халқ озодлик ҳаракати билан чамбарчас боғлади. 1916 йил воқеаларининг фаол иштирокчиси ва бадий тарихчиси бўлган Ҳамза қатор асарларида меҳнаткаш омма вакиллариининг ҳақиқий образини яратди.

1917 йил февраль буржуа-демократик инқилобининг хурсандчилиги билан кутиб олган адиб ўз фаолиятини янада оширди. Февралдан октябргача бўлган ижтимоий кураш жараёнида у тезда большевиклар партияси тарафдорлари қаторидан жой олди. Қора кучлар таъқиб остида қолди. У таржиман ҳолида ёзади:

«Ундан сўнг, мақсадим бўлмагач Туркистон (шаҳрига) кетдим. Туркистонда Қалмиков деган бир завод рабўйичиси билан ўзимни овутириб, соат кутади эдим. Оз ўтмай, Октябрь инқилоби бошланди».

1917 йил 10 октябрда Коммунистик партия Марказий Комитети улуг доҳий В. И. Ленин таклифи билан қўролли қўзғолон ҳақида қарор қабул қилди. Худди шу даврда Ҳамза

«Гулистон» йилномаси

АДАБИЁТ ТИМИЗ ЯЛОВ БАРДОРИ



**Курашурга қурол керак,
Қўроланинг ишчилар!—**

деб шеър ёзди. Унинг «Хой ишчилар!», «Биз ишчимиз» каби инқилобий шеърлари, «Бой ила хизматчи» каби драмалари ўзини Октябрь инқилоби билан тугилган деб ҳисобловчи янги ўзбек совет адабиёти ва ундаги социалистик реализм методининг илк нишонлари эди.

Шундай қилиб, Ҳамза Ҳакимзода Нийзийнинг ижодий

фаолияти унинг сафдошлари иштироки билан ўзбек адабиёти тарихида янги саҳифа очди. Янги саҳифанинг сарлавҳасида Ленин гоялари ёзилган эди.

Ҳамза ўзининг совет даври ижодида Коммунистик партия ишига садоқат билан хизмат қилишининг ажойиб намунасини кўрсатди. Вунинг асосида Ленин гояларини чуқур ўрганни ва уни тинмай тарғиб қилиш ётарди.

Чунончи, Ҳамза жаҳон инқи-

лоби тарихи ҳақида гапирганда бу ҳақдаги Ленин фикрларини тўғри тушунганлигини намоён қилади. У 1922 йилда ёзилган публицистик мақолаларидан бирида 1871 йил Париж Коммунаси ҳақида фикр юртади.

Агар В. И. Ленин «Коммуна хотираси» сарлавҳали 1911 йилда ёзилган бир моқаласида:

«Париж замбаракларининг гулдурслари пролетариатнинг қаттиқ уйқуда ётган қолоқ қатламларини ҳам уйғотди, ҳар ён ва ҳамма ёқда инқилобий социалистик пропагандани кучайтириб юборишга далла берди. Мана шунинг учун ҳам Коммунанинг иши ўлмади, унинг иши ҳозиргача бизнинг ҳар биримизнинг дилимизда яшамокда» деб баҳо берган бўлса, Ҳамза ҳам мақоласида шу фикрни олға суради.

«Гарчи, Францияда бўлган мазлумлар инқилобининг муваффақияти зоҳир кўринишда... золимлар тарафида бўлгон бўлса-да, бу кунги меҳнаткашларнинг абадий масъудиятлик бир ҳаётга мушарраф бўлгонларини ўлчаб қараганда муваффақият, ҳақиқат Франция инқилобининг қурбонлари бўлган мазлумлари ёқда, деб ҳукм этмоққа ҳақлиман».

В. И. Ленин ва Коммунистик партия гояларининг содиқ жангчиси ва оташин тарғиботчиси бўлган Ҳамза Совет ҳокимиятининг биринчи йилларидаёқ янги мактабларда муаллимлик қилди, театр ташкилотчиси бўлди, ёш санъатнинг илк артисти ва режиссёри, бастакори ва драматурги бўлиб танилди.

У адабиётимизнинг бош қаҳрамони қилиб Ленин гояларини амалга ошираётган меҳнаткаш халқ оммасини тасвирлади, уларнинг инқилоб йўлидаги фидокорлигини мадҳ этди, босмачилар ва бошқа ички душманларни ғазаб билан фож қилди.

Ҳамза ижоди халқимизнинг бадий тарихидир. Совет ҳокимияти деҳқонларга ер бериб, ислоҳот ўтказётганда шунини қалама олди. Маҳаллий Советларга илк бор сайлов ўтказилаётганда шу мавзуда асар ёзди. Унинг шеър ва драмаларида хотин-қизлар озодлиги учун кураш мавзуси кенг ва атрофлича ёритилди.

У бадий ижодимизнинг эстетик принципларини белгилаб берган улкан санъаткордир. Ҳамзанинг ижодий анъаналари бугунги гуллаб яшнаётган ўзбек совет адабиётига асос бўлди.

Ҳақиқий интернационалист бўлган Ҳамза барча халқлар билан, шу жумладан улуг рус халқи билан дўстлигини мустаҳкамлашга ҳақирди.

У социализм гояларини бор овоз билан қўйлади ва охири жонини ҳам шу курашда фидо қилди.

**Тузамиз янги турмушин
замон ичра,
Абадий сўнгра яшармиз
жаҳон ичра,—**

деб қуйлаган улкан адимий адабий барҳаёт. У ҳамisha адабиётимизнинг яловбардори бўлиб қолади.

**Лазиз ҚАЮМОВ,
профессор**

Жанговар



рилди, икитаси аранг җочиб қутулди. Кейин ерда жанг: автомат ва пулемётлардан отишма, атака бошланди, бизникилар хужумга ўтди... Еру кўни қоплаган чанг, тутун.

— Саïда! Саïда бу ёққа! — жангчининг овози эшитилди.

— Солдат, нима бўлди?

— Унг оёғим...

У солдатнинг ўрама пайтавасини чаққон ва эҳтиёткорлик билан ечиб, ярасини боғлади. Қўлтиғидан авайлаб турғизиб бутазор панасига олиб ўтди. Сўнг яна олға шошилди. Ана командир Сергей Попов ҳам душман ўқидан йиқилди...

Бу воқеа Украинанинг Глубокий станциясида 1943 йил 14 ноябрда содир бўлди. Уша кўни ҳамшира Саïда Рўзиева ўт ичидан олтига оғир ярадорин олиб чиқди. Улар взвод командирди С. Попов, җозоқ йиғити Сусанбоев, ўзбек жангчилари Иноятлов, Кароматов, Нуруллаев, Раҳмоновлар эди. Ярадорлар дардига дармон бўлгучи мард қиз ўзи ҳам шу жангда унг оёғига ўқ тегиб йиқилди. Кейин нима бўлганини билолмайди. Саïда кўз очиб ўзини Москва яқинидаги госпиталлардан бирида кўрди.

Бу аёл Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. У Ватанимиз тупроғини, Болгария, Венгрия ва Польшани гитлерчи галалардан озод қилиш учун бўлган жангларда фаол қатнашган. Саïда уч марта ярадор бўлиб, уч марта госпиталга тушиб, тузалиб чиқиб яна жангга кирган. Беэв жангу жадалда кўрсатган мардликлари учун Саïда Рўзиева «Жанговар хизматлари учун», «Севастополь учун» жанговар медаллари билан мунофотланган. Олий Бош қўмондонликнинг уч бор раҳматномасига сазовор бўлган.

— Мен, — дейди Саïда опа, — ёшлигимда отам оламдан ўтиб, онам тарбиясида қолдим. Кейинчалик мен кундузи нолхозда ишлаб, кечкурунлари ўқишни давом эттирдим. 1940—41 йилларда Бухорода ўқитувчилар тайёрлаш курсида ўқидим. Уруш бошланганда Сармисон кишлоқ советидаги мактабда ўқитувчи ва пионерлар вожатийси эдим. Душман бостириб, Москвага яқинлашиб келмоқда эди. «Мен комсомолман, фронтга боришим керак» деган мазмунда ариза ёзиб ҳарбий комиссариатга бордим. Шундай қилиб 1942 йил 20 июнда армия сафига олиндим. Фарғонада тўрт ой машқ қилдим. Сўнг биз қизларга ҳам: Солиҳа Давронова, Раҳима Олимова, Матлаб Мухторова, Жамила Хусанова, Хосият Усмонова, Райхон Ҳамроева, Қумри Қосимова деган дўғоналарим ҳам бор эди — шинель, шапка, дори-дармон суммаси, қўлимизга милтиқ беришди. Фронтга жўнадик...

Тонг пайтида душман самолётлари изғий бошлади. Зенитчиларимиз ҳавога қаратиб отган тўп ўқлари осмонни ларзага келтиргудай. Немисларнинг тўқизта самолёти уриб туши-

бўлган кечаги жангда ўзбек қизи Саïда Рўзиева анжойиб мардлик кўрсатди. Учта командир ва тўқизта ярадор солдатни жанг майдонидан олиб чиқди. Иккита немис офицерини эса автоматдан ўқ узиб ер тишлатди. Узи сул оёғидан ярадор бўлди. Жангдан кейин госпиталга жўнатилди».

— 1942 йил. 11 ноябрь кўни майор Сирож Нуриддинов бошчилигида Солиҳа Давронова, Раҳима Олимова, Хосият Усмонова, татар қизи Жамила Хусанова ҳаммаи Москвага Зебихон Ганиевани кўргани бордим. Ўзбекистондан иккита ёш эр, битта тарвуз ва гулдасталар олиб борганди. Госпиталнинг еттинчи қаватида ётган экан. Ёнида битта донтор, иккита ҳамшира бор эди... Оёғи гисда эди. У жуда мерган қиз экан. Автоматдан ўқ узиб бир ўзи 34 немисни ер тишлатиб, ўзи ҳам ярадор бўлган экан. Азамат шундай қуршовдан қутулиб чиққан экан.

Уша учрашувда Зебихон айтган мана бу гаплар ҳали-ҳали ёдимда:

«Жанг ҳар ҳолда жанг. Мардан ўлим қочади. Соғайсам улар билан яна олишгим бор». Бу гапларни бутун уруш давомида эслаб юрдим.

Саïда фронтда нимлар билан учрашганини, нимлар билан бир сафда жангга кирганларини яхши эслай олади: майор Сирож Нуриддинов, старший сержант Исмоилжон Фаттоҳов, ҳамшира қизлар Саломат Сангинова, Зинаида Зупалова, тошкентлик скрипаччи Тўхтасин Муҳаммедов, намаганлик Қилич Умаров, самарқандлик Маҳмуджон Узоқов, андижонлик старший лейтенант Раҳим Раҳмоновлар.

— Берлинга саккиз километр қолган эди. Бироқ етиб боролмадим. 1945 йил 8 май кеча армиямизнинг гитлерчилар устидан узил-несил галабаси ҳақида хабар келди. Кейин биз серуёш Ўзбекистонга қаятдик, — дейди Саïда опа.

Мана, у қарийб ўттиз йилдан буйи ёш аёлди тарбиялашга ўз умрини бағишлаб келяпти, ҳозир Ф. Юнусов номли мактабда ўқитувчи. Халқ маорифи аълоҳиси...

М. БЕК.



Ўзақосалар.

С. БЕЗНОСОВ фотоси.

Кўзлар мушоираси



Эътибор ОХУНОВА

Юлдузни кўр

Икки қошинг ўсма бирлан бўлди жуфт
наргисли барг...

Эркин Воҳидов.

Дилбаринг қошига бир боқ —
Қоп-қаро кундузни кўр,
Қошлари остида саркаш
Жуфт олов — юлдузни кўр.
Не учун бунча қаролиг
Иштибо тушса агар,
Бу қалам ёзди жавобин,
Назм ила дур тизди, кўр.
Кўз тутиб ёрга қорайган
Тим қаро кўзлар дема,
Ўсмадир қошга қаро тун,
Дилгир ул кундузни кўр.
Ўсмадир қошга қаро тун,
Тунга ўсма қошмикин,
Баҳлашурлар иккиси,
Тунми ё кундузми, кўр.

Икки қош ёйган қулоч
Соясидинму қаро,
Ё туман мужгон тўғқиб
Остида ул кўзин кўр.
Интиҳо бу қора қошлар
Узра қўнса оқ қиров...
Бас қалам, дема баҳорда
Заъфарон ул кўзин кўр.
Дилбаринг мен эрмас, аммо
Диққатим торти газал,
Эътибор ёзди ўқирсан,
Сузлари жойизми, кўр.

Гилос

Баҳор...
Гул боғларим қайдасиз?
Гунчаларим ҳандаси
Уйғонди, гулшан, сабо,
Кел навбаҳор, марҳабо...
Анҳорларнинг бўйида,
Чучмомалар кўйида
Кезиб субҳидам ёлғиз,
Териб юрардим ялғиз.
Гилосга кўзим тушди,
Ажиб бир хаёл қучди...
Турфа табиат қизиг...
Кўз ёши томар сўзиб,
Дарахтнинг танасидан,
(Эҳтимол ярасидан).
Бу севинч ёшимикан,
Ҳаётнинг бошимикан?
Бўлажак она каби
Ҳаяжонга тушгандир,
Севинч ёши шунгадир...
Ҳа демай,
Шодлик қўршар гилосни:
Гулга бурканар қийғос,
Ҳосилга айланар гул,
Гунчалар тугун-тугун.
У ҳам онага ўхшаб,
Мева — фарзандга ташна,
Кўз ёшлари шунгадир...

Тўп тош

Хаёл оғушида кездим, изладим
Тўп тош ўйинига мафтун кезларим.
Тўп тош тошларига тўлган кафтларим
Эсласам, варақлаб умр дафтарим,
Юрагим орзиқар, хомуш тортаман,
Гўёки елкамга замин ортаман.
Кафтимда иргитиб бир тўп садаф тош,
Уйнардим...

во ажаб болалик одош.
Инларнинг кафтида тўп тош мисоли,
Уйноқлаб болалик кетди от солиб.
Кўмсудим, ахтариб ўша тўп тошим,
Дарёга йўл олдим айланиб бошим,
Дарёнинг тубида ётар тўп тошим,
Дарё тўлқинида кетибди ёшлик.

Тўй

Тўй,
икки гунча давра тўрида.
Куй,
гуллар тўла ўнгу сўлида.
Куй
шаробинг хуморим олсин.
Куй,
қандиллар тонггача ёсин.
Нигоҳ,
нигоҳ, нигоҳлар гулдай,
Нигоҳ,
севги бирлашган кунда.

Куйла дейди ишққа тўла юрагим,
Тошқин уммонларга отилгум тикка.
Ушамайин қолса бирон тилагим,
Орзу қафасида сайдман энтиккан.

Висол чоғларида замин юкнини
Овод кўтаргуси шу мўъжаз елкам.
Ҳижрон озоридан мустар — юпуиман,
Денгиз тўфониди адашган елкам.

Ердан мужда келса мисли офтобман,
Олам ҳам чарогон ёруғ-қуёшли.
Йўқ эрса, қоронгу уйда бегобман,
Кечалар юлдуз мўл — кўзларим ёшли.



Мукаррама ҒАФҒОРОВА

Лола сайли

(Эркин Воҳидов газалига мухаммас).

Уйғотар гул анбари тонг бирла, мен кулмай нега?
Бахту нур кайфияти маст этди, ҳайқирмай нега?

Нозанин наврўзи олам гаштини сурмай нега?
Таклиф этдим тонг билан дилдорни лола сайлига,
Бошим осмонларга етди ёр дегади: «Майлига».

Ергинамга ёқди таклиф афтидан, эвоҳ, қани —
Ул қуёшга қўшди нур ўз тафтидан эвоҳ, қани —
Ушладим, қилдим ибто мен кафтидан эвоҳ қани —
Кенг жаҳон бўлди мунаввар лутфидан эвоҳ, қани —
Сидқидилдан юрса ҳар маъшуқа оишқ майлига.

Уйнадик гўёки лола баҳрида тинмай сузиб,
Куйладик ишқ куйинга биз янги сайқаллар тизиб,
Бирдан ўтмиш ёдга тушди тин олиб, ерни чизиб,
Уйладим шул тонг нечун абгор сахролар кезиб,
Таклифи сайр айламабдур шунча йил Қайс Лайлига.

Ёки ул ҳам мен каби изҳорда чекканми хуноб,
Ёки ёри ишқидан тутмасмикин тоза гулоб,
Нечун ул бечора Мажнун ҳолидир бунча хароб?
Бу хаёлим ёрга айтсам, кулдию берди жавоб:
Боқғуси ишқ аҳли ҳам албат замонинг зайлига.

Завқ аро биз билмадик оқшомга етмиш бу саҳар,
Рашк қилибми ул қуёш ёстиққа бош қўйди магар,
Тўймасанг ҳамки Мукаррам рози бўлгил бу сафар,
Лола тердик даста-даста кеч билан қайтдик шаҳар,
Йўлда бир-бир тарқатиб Эркин муҳаббат ҳайлига.



Дилором СУЛТОНОВА

Баҳор байроғи

Дарахтга илғиниб турибди варрак,
Укажон, одолмай, бўлма кўп хунбо.
Варрак — баҳор туги, баҳордан дарак,
Уни пора қилма олмоқда унба.

У варрак мен учун энг азиз, билсанг,
У байроқ — баҳордай тошқин юракка.
Севимли опангни ранжитмас бўлсанг,
Тегма ҳеч азисим, ўша варракка.

Олдимда кутади шиддаткор умр,
Қанча баҳорларга қўшилгай ризқим.
Гарчанд келажагим порлоқ, тотлидир,
Шу баҳорда қолгай мангулик ишқим.

Ҳа, баҳор кезади парпираб, йўртиб,
Еллар этаклардан тортар безавол.
Уни қаршилайман қувончим ортиб,
Лекин у ёғини ўйлашим маҳол:

Тезда у кетади олис элларга,
Мунча ҳам баҳорнинг умри қисқадир.
Кошқийди буюриб бўлса елларга:
«Баҳор мангулигин юрак истайдир.

Бу баҳор мен учун азиз билсангиз,
Бу баҳор армондир мангу юракка.
Еллар, гар ёшқини севар бўлсангиз,
Зинҳор тега кўрманг сиз ҳам варракка».

Бу баҳор кетади қалбимиздаги
Ҳисларнинг ўрнига қайноқ чўғ солиб.
Барча катталарнинг зғу истаги
Ва менинг ўн етти ёшмини олиб.

Бу баҳор кетади ўйчан домламни
Менинг шўхлигимдан ажратиб бутун;
Бу баҳор кетади бир дугонаمنى
Мендан олисларга етаклаш учун.

Кейин мен қоларман дарду афғонда,
Устозимнинг ширин ўғини қўмсаб;
Кейин мен қоларман мангу ҳижронда,
Ўн етти ёшimgа қайтмоқни истаб.

Қадрдон мактабим қўнғирогини
Эшитиб кетарман келиб атайин.
Онт ичарман: «Қайтса гар ёшлик чоғим,
(Ўзимча) «тўрт» олмай ўқирдим тайин»...

Ва ўйга толарман ўшанда билсанг,
Қалбдан ўчирилмай армон чирогини.
Укажон, опангни ранжитмас бўлсанг,
Дарахтдан туширма баҳор байроғини.

Оқшом сукутида

Тирқишларда ой сочган нурдан
Тўшалмоқда ипаксимон йўл.
Юрак туғён кўтарар бирдан,
Мен оламан гулзор томон йўл.

Қарши олар тинмагур сабо,
Гуллар атрин сочиб бошимга.
Ел нафаси салқин, мусаффо,
Парво қилмас қалтирашимга.

Атрофимда анвойи гуллар
Ва нурларнинг майин хироми.
Барг остида гўнчалар кулар,
Мен турган ер — баҳор эҳромн.

Таъқибкор ва даҳшатли кўзлар
Ҳар кавакдан боқмайди бу тун.
Эхуд гулга ўралган ҳислар
Келганмикан кўрқувдан устун?

Рости, аввал севмасдан тунни,
Фақат зулмат, даҳшат дердим: тун.
Аммо барча-барча фусунни,
Кўрандайман шу тунда, бутун.

Гулзор турар лиммо-лим бўлиб
Тули ойнинг шаффоф зарига.
Билсам, нур ҳам «қўрнимайин» деб
Беркингаркан зулмат қаёнга.

Шу-шу, ҳар гал чўкканда оқшом,
Зулматдан нур излайман шошиб.
Ой тепамда худди ёниқ шам,
Йўл бошлайди олдинга тушиб.



Мўътабар ИЛЕСОВА

Сени кутгум

Сени кутгум, кутаман мудом,
Қалб кўзи-ла зориқиб бўзлаб.
Сени кутгум, кутаман мудом,
Эрка еллар эганда нозла;
Сени кутгум, кутаман мудом,
Олчазорлар гулга кирганда.
Шабодалар сахарда елиб,
Варакларга қуй келтирганда...
Тушларингда аксим кўрсатгум,
Рухим ўраб ошноқ чечакка.
Чашмаларга сирдош тутиниб,
Шеър боғида кезаман якка.
Ўйлагандан сочим тўкилиб,
Қаро ерга тутқун бўлса ҳам.
Лек кетолмас бардошим юлиб,

Кўзларимни толиқтирмас ғам.
Сени кутгум, келгаж пойимга,
Бахт, шодлиқни гулдек сочаман,
Сочаману тутқиз бермайин,
Капалакдек ўйнаб қочаман.

Шеърят

Гоҳ бефоне ишқини сигдирган дилни
Шу кўксимдан юлиб олгим келади.
Оташ-ла тутоқиб шеър қароргоҳин
Маскан билиб, шунда қолгим келади.

Чунки ундан топгум бир ширин юпанч,
Ардоқловчи мендек куйишимни ёхуд.
Сенги содигига шафқат қилинур
Бунда,
ва номардга бешафқатдир у...



Турсуной ИДАЕВА

Тўртликлар

— Довюрак, билимдон, меҳрибон инсон,
Қўлингдан келмас иш борин сира, айт?
— Ҳамма нарса учун қодирман, лекин
Сололмам севмаган қалбга муҳаббат!

* * *

Гулга қўнган зумрад шабнамга
Ҳавасим келдию, тутдим лабимни,

Уша чоғ нимадир тушиб хаёлга,
Бир лаҳза титратиб кетди қалбимни.

* * *

Тонгнинг таърифини келтираманиз хўб,
Уни қаршилашчун ҳар ким ошиқар.
Тонг шунча дилрабо бўлсада лекин
Ундан афзал кўрар тунни ошиқлар.

Кўзлар



Баҳодир АБДУЛЛАЕВ

С. БЕЗНОСОВ фотолари

— Дардинг нелиши осон, не-тиши қийин, деб бекиз айтишмас экан. Иссиқ жоним икки йилдан бери дард азобида ўртанади. Ким қилобди дейсиз бу дардинг балоқазодий ёпишиб олишини. Қирқини ҳам уриб қўйдим. Очиғи, шу ёш-гача вой деган бола эмасдим. Ни-ма қилай, ўзимдан ўтди, вақтида қаратмадим.

— Нимасини айтасиз, дўстим!— дўписини бошидан олиб қорққан Саидхўжанинг гапини бўлди Абду-рахмон.—Мен ҳам худди шундай бўлганман. Докторларни қарангми, ота-онам ҳам қолмади, бола-чақам ҳам қолмади, ҳатто уруг-аймогим-ни теширишди. Бирортаси бу дард билан орғиган эмас. Тав-ба,—дейман ёқамни ушлаб— мен-га қаердан ёпишди бу дард!

— Кўргулин-да, бўлмаса нечаги навиқиронни қаранг, ота-онасини кўрингиз, ўша йигит кўчада не-таётганини кўрсангиз, дарди бор, деб ҳеч ўйламасиз, ҳавасингиз нелади.

— Бечора, ўзи ҳам оғир опера-ция бўлди. Улмасин, Унтам, ўз ис-

ми билан ўнтам экан, қўли ҳам гул, ҳам энгил экан.

— Ақли бутун-да! Масал ёнса— ёнади, кулса — кулади. Устриган-нига раҳмат. Мен ҳам ҳазиланам эмасдим. Ахир, бир йилгача қон туфлаб юрдим, ҳеч тўхтатишолма-ди. Икки йил ёстиқда ётишининг ўзи бўладими?!

— Мени айтмайсизми? Дунёдан умидимни узгандим. Йўқ, куним тугамаган экан, Унтам сабаб бўл-ди. Эсимда, жарроҳ, консултация-га келармиш, деб эшитиб қолдим, ёнида ўзимизнинг донтор, бўлим бошлигимиз билан палатага Унтам кириб келди. Роса ағдар-тўнтар қилиб кўришди. Охири, донторим билан ниманидир тортишиб қолди. Энди билсам, донторим йўқ, опера-цияни кўтаролмайди, ўпкаси ил-виллаб ётибди, деган экан. Унтам ҳам ўз сўзида туриб олибди. Охи-ри имозат сўрашди ўзимдан. Бо-ла-чақанинг бахтига қай йул билан саломат қолсам, шунга розиман, деб айтдим...

— Ие, ана олиб чиқилди.

— Уҳ-ху... Анча узоқ бўлди бу шўрлин ҳам.

— Унтам қилган бўлса, яшайди! Операциядан чиққан беморни палатага олиб кирдилар. Операция хонасидан ёши ўттизлардан ошган, миқти гавдали, ўрта бўй, қора қош йигит муштарини халатининг чўнтагига тираган ҳолда, салмоқлашиб чиқиб келди.

— Ҳорманг, Унтам ана...

Жарроҳ жазво ўрнига калласи-ни сал қимирлатиб қўйди. Инда-май дераза олдига келиб, чўнта-гини титиллай бошлади.

— Чарчабди роса...

— Ие, чекмасди шенилли у!

— Шунанча... баъзан кўнгли ту-саб қолади...

Беморлар айтганиден, кўнгли роса кўмсаган экан шенилли, жар-роҳ палирсани мириқиб-мириқиб торта бошлади. Бир оздан сўнг нуддонга улоқтириб, бемор ётган палатага кирди. Бемор нариоз уй-қусидан операция хонасининг ўзи-даёқ уйғонган, ленин ҳали тўла хушига нелмаган эди. Унтамжон беморнинг томир уришини, қон бо-

симини, ҳароратини ўлчаб кўрди. Кейин, ҳамшира Раиса Абдуллае-вага ўғирилди:

— Қон тайёрланг, жуда кўп қон йўқотган бемор. Сиз Рихси-хон,—ўғирилди у ёшгина ҳамшира қизга,—беморнинг ёнидан қимир-лай кўрманг, усти очилиб қолма-син. Шамолласа, даволашимиз оғирлашиб кетади. Ҳа, айтгандай, эсимдан чиқа ёзибди, остонада икки ниши турувди, беморнинг яқинлари бўлса керак...

Палатага елкасига оқ халат таш-лаган олтмиш-олтмиш беш ёшлар-даги баланд бўйли икки ишон билан ёшгина аёл кириб келди.

— Қўрқманг, очинг кўзингизни, очаверинг,—гира-шира эшитди бемор меҳрибон, айна чоқда бо-сиқ бир оз ташвишли бу овози.—Дадил очаверинг, дадангиз келдилар, келин ҳам...

Бемор бутун нучини бир ерга тўплаб, кўзларини очигаша, бир дам бўлса-да меҳрибон «арнони давлати»ни, сеvimли ёстиқдонини кўришга интиди. Кўзлари қия очилди, очилди-ю, оппоқ булутлар орасида юксан-юксан парвоз этиб қанотидан яраланган, оқибатда мувозанатини йўқотиб қўйган по-лапондек сеэди ўзини, жон хопат-да кўзларини кирт юмиб олди.

Ғаламис «ажал» сўзи қўриқтиб юборганиданми, ота нима дейиши-ни билмас, ним қоронгу қонанинг ўртасида турган ўғлининг халос-қорига жоғдираб термулар, нелинчан эса унсиз, ёшсиз фарёд чекарди.

— Яшармикини...

— Ҳа-ҳа, бораверинглар,—деди тез-тез жарроҳ, отанинг фикрини хаёлан уқиб олиб.—Хотирман бў-линг, энг хавфли дақиқалар орқа-да қолди. Улгиниқ бирор ҳафтада ўзига келиб қолади.

— Иншоолло,— беихтиёр юзига фотиҳа тортиди ота.—Балли ўғлим, илоҳим онанг роҳатини кўрсин! Майли, нетамиз. Боламни сенга, сени худого топширдим. Қани, юрақол қизим...

Унтамжон улар билан самимий хўшлашиб қолди. Улар нетгач, Рих-сихонга керанли топириқларни бериб, ўз хонасига кирди.

Бундай дақиқаларда танҳо қо-либ, хаёлларга ошно бўлишни хоҳлар эди у. Хонани ичидан зан-жирлаб, кўчага қараган дераза табақаларини очиб юборди. Кўз-нинг этни жунжитувчи, яқин қиш-дан даран берувчи дайди шамоли хонага урилиб кирди-ю, гир айла-на бошлади. У дераза олдида ту-риб музден ҳаводан тўйиб-тўйиб симирди. Борлиқ қора чойшаб ёпина бошлаган, кўчалардаги чи-роқлар нимтатир туманда ожиз-гина нур таратадилар. У ўз хаёл-лари билан банд эди. Кўчада не-таётган икки қора нуқтага кўзи тўшди-ю, яна хаёли бўлинди.

Ота билан нелинчан кетяпти... Отанинг қадам олиши бежо: бир қадам ташлайди — тўхтайти, бир қадам ташлайди — тўхтайти. Ҳар тўхтаганида шифохонанинг учин-чи қаваитдан нур таратаётган хоналарга, палаталарга узоқ тики-либ қолади. Ана, улар Азизжон ётган ярим қоронгу палата қарши-сида тўхтаб қолдилар. Шу аллозда анча туришди. Ким билсин, кўн кўзли «Волга» босиб-босиб овоз бермаганида, эрталабгача туришар-миди...

Машина таққа тўхтади. Эшин очилди. Ота аввал нелинини ўт-қазди, ўзи шифёрининг ёнига ўтир-ди. Чироқлар нимтатир туман багрини тилкалаб, зумда кўздан гойиб бўлди. Унтамжоннинг кўз-лари ҳамон ўша томонда эди:



«Одамларни авайлаш керак, одамлар дунёдаги энг азиз мавжудот... Азиз Абдурахмонов... ҳали ўттизга ҳам кирабди... Авжи кучга тўлган, ишлаб чарчамайдиган, ўйнаб-куладиган вақти. Лекин дарди оғир... Яшарминини? Яшайди! Яшаши керак...»

Ўнтамжонни инсон тақдири, инсоннинг саломатлиги ҳақидаги ўйлар қайларгадир етанлаб кетди. У ана шу насалхонага келганига ҳам ўн йил бўлибди. Айтишга осон бу рақамни, лекин ўлим тўшағида ётган бирор беморнинг умрини ўн йилга узайтирган шифонор, шифокорга эгилиб таъзим бано этган бемор, бир дақиқа бўлсин, ана шу йилларни унутиб юборарминини?

Гўр отгидан қайтариш ҳодисалари Ўнтамжон фаолиятида кўп учради. У шу йиллар мобайнида бир неча кишининг жонига оро кирди. Охиргиси, Азиз Абдурахмонов. Бу беморни кўз олдига келтирди-ю, Ўнтамжоннинг юраги негадир зирқираб кетди. Азизнинг аҳволи оғир, жуда кўп қон йўқотган... Қолган қони сувдан ҳам суюқ. Организми чидаса бўлгани, у тирин қолади.

Ҳали-ҳали эсида: иш бошлаган дастлабни пайтлари насалхона Олмазордаги ҳовлида жойлашган эди. Ним қоронғу, пастан қоналар беморлар билан лиц тўла. Операция хонасини ҳозиргисига таққосласа, аввалгисини ярим ибтидоий деса бўлади. Лекин қандай шароитда бўлмасин, шифонорлар инсон ҳаёти учун, унинг саломатлиги учун шиддатли кураш олиб бордилар. Профессор Восит Воҳидов раҳбарлигидаги жарроҳлар инсон ҳаёти учун тинимсиз кураш олиб боришарди, кунларни тунларга улаб, изланишарди. Худди ана шу йиллари Восит Воҳидов бошлиқ жарроҳлар сафига ёш донтор Ўнтам Исмоилов келиб қўшилди. У таниқли профессор операцияларида фаол патнашар, даволоччи врач сифатида жон кўйдириб иш олиб борарди. Қисқа вақт ичда беморлар орасида ҳурмат қозонди. Сўнгра, бора-бора қўлига нашта олди. Профессор ёрдамчиси сифатида ишлай бошлади. Уттир зехни, институтда олган чуқур билими, чақон ва шифобахш қўллари инсон ҳаётига оро кирди. Мана энди у етун жарроҳ! Республикадаги энг катта шифоконанинг бош жарроҳи...

Эшик тиқирлади...
— Ўнтам Исломович,—остонада Рихсиҳон турарди,— беморнинг томир уриши пасайиб кетди, иситмаси банд.

— Мен ҳозир,— одатдагиден шошмасдан жарроҳ ҳамширага керакли дори-дармонларни тайинлаб, узи палатага йўл олди. Ҳаёлидан липилаб, яна операция кунини ўта бошлади.

...Шу кунини, эртаси ва индинига ҳам Ўнтам беморнинг ёнидан жилмади. Тунлари бедор ўтди. Бундай оғир операцияларни биринчи бор нўраётгани йўқ у. Лекин ҳамма нарсаининг аввали ва охири эсда қолади кўпроқ. У Азиз Абдурахмоновнинг насаллини тарихи варақасини кўздан нечираркан, кўз олдидан 1962 йилда бўлиб ўтган бир воқеа ўта бошлади. Стол тортмасида Улуғ Октябр баярами арафасида кўлига тенкан телеграммани олди.

— Салом, Ўнтам Исломович,— дейиларди телеграммада,— Сизни Буюк Октябр байрами арафасида самийий табринлайман. Сизни

мен билан бирга ўғлим — адашингиз Ўнтамжон ҳам муборанбод этди.

Ўнтамнинг чеҳрасидаги кулчи-лар пирпираб кетди. Узоқ Нукусдан келган бу телеграмма унинг қалбини тўқинилантириб юборган эди.

Қаипберген ҳам Азиз Абдурахмонов сингари оғир аҳволда эди, дам ўтмай қон нусарди, тўхтаганининг илоки йўқ...

— Бу йигитни операция қилмасан бўлмайди,—деди у шифонорлар маслаҳатида,—бўлмаса нобуд бўлади.—Бу сўзларни Ўнтам алам билан айтди.

— Операция столида қолиб кетмаслигига ишонасизми?— савол ташлади кенг яғинли, йўғон овозли, забардаст кўринишли бир жарроҳ. Жуда кўп йиллардан бери у кўрақ жарроҳлиги буйича ишлаб, тажриба ортирган эди. Бу савол Ўнтамни ташвишга солди: «Операция столида қолиб кетса, нима бўлади?.. Эндигина иш бошлаган жарроҳга бу мудҳиш воқеа оғир зарба бўлмасинини? Лекин, бемор-чи? Қон нусиб ётаверса, нима бўлади? Улади-ку! Ё операция, ё ўлим!..»

— Йўқ, у яшайди,—ишонч билан деди ёш жарроҳ.—Ахир, қон тўхтамапти-ку!

— Мен операция қилмайман, масъулиятни ҳам бўйинимга олмайман!— яна гап қистирди боғи жарроҳ.

— Мен қиламан!—ишонч билан шундай деди-ю, Ўнтамжон ўрнидан турди.

Бу ерда чуқур билим билан унинг дадиллиги кўл келди. Кўп ўтмай, Ўнтамжон қораллоққо йигитини операция столига олди. Худди шу топда узоқ Нукусдан «суюнчи, ўғил!»—деган хушхабар келди. Қаипберген ўғил кўрган эди, Телеграммани орадан уч кун ўтгач, беморга беришди. Суюнганидан хўнграб юборди у. Сўнгра, анчагача хаёл суриб, нейни ёнидаги ҳаммаравотини чап қўли билан секин туртди:

— Ҳе, жўлдас,—деди у кубноқ оҳангда,—сендан илтимос, кўриб турибсан, ҳали кўлимини кўтаролмайман. Хат ёзиб берсанг-чи, овулга жўнатсам, ўғлимга Ўнтам деб от йўлшса. Сен не дейсан?

— Жуда яхши ўйлабсан.

— Шу оғир кунларимдан нувоичли хотира бўлсин...

... Кун йўқини, Ўнтам номига бирор хат ё телеграмма келмасин. Бу хатлар, бу телеграммалар Қозогистон ва Турманистон ўтовларидан, Қирғизистоннинг тоғли қишлоқларидан, Томди яёловларидан, Фаргона ва Зарафшон водийларидан келади. Бу хатлар, бу телеграммалар аллақачонлар соғайиб кетган беморларнинг эътиқоди зўр коммунист, моҳир жарроҳ Ўнтам Исмоиловга шу кундаги ҳаёти, соғлиқлари, ишлари ҳақида ҳиноя қилади.

...Ўнтамжон яна ўз хонасида, одати буйича, дераза олдида турибди. Кўчанинг нариги бетидаги ховлиларнинг бирда саҳархез хўроз қичқирди. Шу топ, бирдан, хона эшиги тиқирлаб қолди. Ўнтамжон югуриб бориб эшикни очди.

— Ассалому алайкум...

— Уғлим қалай?

— Уғлингиз саломат.

Каллаини саҳарлаб Азизнинг отаси келган эди. У бир вақтлар тетапоп йўлга кирган Азизни кўчаниндек, Ўнтамжонни иссиқ бағрига олди.



Жарроҳ Ўнтам ИСМОИЛОВ операциядан сўнгра.



Тошкентда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ходимларининг қурултойи бўлиб ўтди. Фото мухбиримиз Семён Безносон қурултой қатнашчиларидан бир гуруҳини суратга олди. Улар — чапдан — Андижон область, Москва районидagi Навоий номли колхоз партия ташкилотининг секретари Ўғилхон Алиева, Бўз районидagi «Партия XX съезди» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маннон Жалолов, Хоразм область, Янгириқ районидagi «Москва» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Искандар Юсупов, Сурхондарё область, Гагарин районидagi «Комсомолобод» совхозининг механик-қайдовчиси Отамурод Худойназаров, Москва районидagi «Шарқ юлдузи» колхозининг бригада бошлиғи Саломатхон Мирзаевалар.

Бир тажриба тафсили

Қашқадарё лалмикор ерларида бошқа район лалми ерларидан кўпроқ ёгин тушади. Утган йили тоғ этагидagi ерларга беш юз олтимиш миллиметр ёгин тушди. Аммо бу миқдор ҳар йили ўзгариб туради. Шу сабабли тоғ этаги майдонлари учун ҳозиргача белгилаб қўйилган жадвал асосида дон экиш кўпинча дуруст натижа бермаёпти.

Биз мутахассислар кўмағида тажриба ўтказиб, қуйидаги хулосага келдик:

Аниқ жадвали бўлмаган хўжаликда баъзи ерларнинг умри зое ўтатиши ёки ери бегона ўт босиб, донни ифлос қияпти. Донни тозалашга эса, ортинча меҳнат сарф бўлади. Тажрибамизда доннинг «Сурхон-5688» навиани беш хил шароитда синаб кўрдик. Яъни ҳар гектар ерга юз килограммдан инки юз килограммгача уруғ сепдик.

Айрим вақтларда майдонга кам уруғ сепилиши орқасида кам ҳосил олинади. Чунки ерга уруғ қанча сий-

рак ташланса, бегона ўт шунчалик кўп ўсади.

Униб чиқиш қобилияти тўқсон санкиз фоиз булган «Сурхон-5688» нави устида синов ўтказдик. Уруғни тўрт йил давомида бир хил шароитда экиб кўрдик. Натижа мана бундай бўлди:

1964 йилда ҳар гектар ерга 100 килограмм уруғ сепдик, 7,5 центнер ҳосил олдик. Худди шу йили 100 килограмм ўрнига 140 килограмм уруғ эдик, 14,6 центнер ҳосил олдик. Уруғ миқдорини 160 килограммга етказганимида, натижа 9,6 центнер бўлди. Бу тажрибани улуқисиз тўрт йил давомида синовдан ўтказдик. 1967 йилга келиб, ўша тажрибанинг натижаси мана бундай бўлди:

100 килограмм уруғ эюанда яна 7,5 центнер, 140 килограмм уруғ сепганида эса 15,5 центнер, 160 килограмм уруғ сочганида 10,9 центнер дон ҳосили олдик.

Бундан кўриниб турибдики, гектарга бир юз йигирма, бир юз қирқ

ДЕҲҚОНЧИЛИГИМИЗ ТАЖРИБАСИДА


нилограмм уруғ сепилганда ҳосилдорлик юқори бўлади. Баъзи вақтлардагина кам ҳосил олиш ҳоллари рўй бериши мумкин. (Буни ҳар гектарга бир юз олтимиш килограмм уруғ сепиб кўриб синадик). Лекин хўжалик шароитларида синаганимида шу нарса равшан бўлдики, бир гектарга юз килограмм уруғ сепиш асосий чегара эмас энан. Чунки тоғ этапларида анча совуқ бўлади, ниҳоллар сови намайиб кетади.

Областимиз хўжаликчилари ҳар гектар ҳисобига бир юз йигирма, бир юз ўттиз нилограмм уруғ сепиш туғайли яхши кўрсаткичларга эришяпти. Ҳақиқатан хўжалигимизда ана шу йўл билан гектар бошига тўрт ярим центнер кўп ҳосил олишга муваффақ бўляпти. Бу йилги мавсумда ҳар гектар ер ҳисобига беш центнер анёл дон етиштирдик. Экиннинг тўлиқ бўлса, хирмонинг баланд бўлади, дейди раҳбарлари ва мутахассисларнинг диққатига ҳам Ўз тажрибамизни тавсия этамиз.

Бади ЕРИЕВ.



РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ДОНГДОР КИШИЛАРИ. Қашқадарё область,
Шаҳрисабз районидаги Энгельс номи колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи
Хоной ХОЛМҶМИНОВА (чапда) билан «Хужум» фабрикасининг наштачиси
Қаромат ЖАМОЛОВАни фото суратчимиз Геннадий ГРАФКИН Ўзбекистон ССР
Олий Совети сессияси маҳалида суратга олган.



МАРФИЛОН АТЛАСИ

Марфилон атласчиларининг сеҳргар қўлидан чиққан минг туман товланувчи атласни қайси қиз, қайси оламиз суйиб ниймайди дейсиз. Аммо у кўзни қамаштирадиган мато ҳолига келгунча тўқувчининг қанчадан-қанча меҳнат ва кунтини, завқ ва кўз нурини олишини билсангиз эди.

Оламга таърифи нетган бу атлас хилларини яратувчилар билан танишинг. Юқорида чапдаги суратда: «Атлас» фирмасида йигирма олти йилдан буён ишлаб келаётган

уста Эминжон Аҳмедов; ўртадаги суратда тўқувчи Юзи Аминова тасвирланган; чапдаги иккинчи суратнинг бири — бўёв цехида, иккинчиси — Нурхон Йўлдошева билан Отамат Ҳамидов шоҳи калаваларни бўяшга ҳозирлаб турганида олинган; ўнгда, тепадаги суратда тайёр атлас дазмолдан чиқариляпти; пастда — ёрдамчи уста Нўъмон Мадраҳимов ўзи яратган ўраш дастгоҳи ёнида.

Ғ. ГРАФКИН ва Ғ. БОЙКО фотолари.




Дуторчи аялар.

Тошкент ҳужжатли фильмлар киностудияси «Тантана» номи фильмини суратга олди. Ушбу саҳифада сиз шулардан икки лавҳани кўриб турибсиз.

П. КАПУСТЯНСКИЙ фотолари.

«Баҳор» қизи Иродә РАСУЛХУЖАЕВА.



Тикон Ўзган

Тикон Ўзган

Устки қаватда ётадиган Назаренко деган взводдошим штабда навбатчи эди. Одатда навоатдан келгандан сўнг уйкуга ётишга рухсат бериларди. Назаренко аниқ таъин ечинди-да, ётиб олди. Кечаси уйғониб кетсам, ивирисиб юрибди. Эътибор бермадим.

Соат учлар чамаси эди, «тревога!» деган команда янгради. Бутун рота оёққа турди, гала говур. Мен ҳам тура солиб кийимимни кидираман, йўқ. У ёққа қарайман, бу ёққа қарайман, эътидан бўлак ҳеч нарса йўқ. Ер ютиб кетганди. Оббо, яна маломатга қоладиган бўлдим, деб ички кийим устидан шинелни кийиб, эътиқни оёққа тортиб, карабинни қўлга оланча майдонга отилдим. Хамма ўз вақтида улгурганига взвод командири ҳам, ёрдамчиси ҳам мамнун туришар эди.

Рота командиримиз етиб келди.
— Теқшириб, солдатларнинг жангга тула тайёр эканлиги ҳақида доклад қилишин, — деди.

— Шинелларнинг тугмалари ечилсин, — команда берилди.

«Ана холос, худо урди-ку!» Хамма шинелнинг тугмасини ечди. Мен жим туравердим.

— Жангчи Иноятлов, команда ҳаммага тегишли! — деди взвод командиримизнинг ёрдамчиси.

— Эшитдим ўртоқ сержант, аммо...
— Аммоси йўқ, Рота командирининг шахсап ўзи кўриб ўтмоқчи, — деди у ҳеч нарсани тушунганини истамай.

«Оҳ, шўрмига шўрва тўкилди-ку!» — дедим ич-этимни еб.

— Ўртоқ сержант, айтишга рухсат беринг, — дедим ноилоҳ.

— Айтинг!

— Менинг гимнастёркам йўқ!
— Ана холос. Ич қўйлак борми ишқилиб, — деди ҳазил қилган бўлиб.

— Бор, — дедим жон қолатда.

Хамма қийқириб кудди. Хижолатдан ўлаёздим.

— Қани гимнастёркангиз? — сўради у ёнимга келиб, шинель тугмаларини қайта қалаётганида.

— Йўқолган, — дедим астагина.

— Еб бўладиган нарса эмас-ку?
Шовқянни эшитиб, рота командиримиз биз томонга жадал кела бошлади. Взводимиз командирининг қони қайнаб кетди. Ҳеч жаҳли чикмасди.

Рота командири яқинлашганда:
— Хамма тахт ва бут, жангчи Инояттовни назарга олмаганда, — деди взвод командири ёрдамчиси.

— Жангчи Иноятлов, тўрт қадам олға!
— Хўп бўлади, — дедим ва қадамимни қаттиқ-қаттиқ қўйиб, сафнинг олдига чиқдим.

Тепамдаги симёғочга осилдик катта лампа нур таратиб турипти. Шинелни ечинтиришди. Бирдан қулги янгради. Ерга қараб туравердим. Жазо берса керак, деб турсам рота командиримиз:

— Шу взводдаги солдатлар бири-бирини текширсин. Икки қават гимнастёрналик тўрт қадам олға чиқсин, — деб қолди.

Хаммамизнинг юрагига ўт кетди. Енгинамдаги ўша Назаренко лапанглаб ёнимга чиқиб келди. Қовоғини солиб, ерга қара-

ганча бир қават гимнастёркани ечиб менга берди.

Қисимиз командири ҳам тепамизга келиб улгурган эди. Қулгига ҳатто у киши ҳам қўшилди.

Тафсилотини кейин гапириб берди Назаренко. «Тревога» бўлишини штабдан эшитиб келган экан. Гимнастёркасини ечмай ётаверибди. Кейин «Тревога» маҳалла туриб, ўзиникини ечмагани ёдида йўқ, меникин кийиб ташқарига югурибди... Нечка кун қулгига қолиб юрди. Иккимизга ҳам чора кўрилгани йўқ-ку, лекин бутун қисмга машҳур бўлди.

Кунлар шу зайлда ўтаверди. Тиканли сымлар остидан судралибди қийин, деворлардан ошиқдек оғир эди бу кунлар.

Лекин бир нарсатга хурсанд эдим. Назаренкода қадди-бўйим ўсаётгандек. Қоқдек шинель тортилиб қадимга мослашапти, янги кийим келгайиб қўрагим қўтарилиб қолгандек. Елкамда букланиб турадиган погонлар ҳам таранг турадиган бўлди.

Баъзан хурсанд бўлиб осмонга қарайман. Осмон мрамар туман қўйнида, ер оппоқ. Арчаю қарағайлар пўстин кийиб, мудраб ётади. «Музлаб қолмас экан-а, дарахтлар» дейман.

Яна осмонда зулмат қўйнидаги лип-лип чиқоқдек бир нарса ёнади. Ўша қуёш экан. Бир ёнадию, ёнига оғиб ўрмонлар орғига тушиб кетади.

Шунақа вақтларда юртини соғинади одам. Ҳозир қуёш қарақлаган, дарахтлар ҳам уйғонэ бошлаган чиқар. Эрта-индин ҳаммаёқ ям-яшил бўлиб кетади.

Шунда ойим, дадам, акамга, укаларимга хат ёзишга ўтираман. Мактабда Озод деган дўстим ҳам бор. Мендан икки синф кейин ўқийди. Унга ҳам ёзаман. Жуда идроқли бола. Танишувимиз қизиқ бўлган. Рус тили ўқитувчимиз Николай Николаевич Уваров Лермонтовнинг «Утёс» шеърини ёдлатди. Сўнгра шу шеърни диктант қилиб ёддирди. Ўша кунни ўн биринчи ҳисло экан. Ўқитувчимизнинг одати сонларни ҳам ҳарфлар билан ёддирарди. Баъзиларимиз рус тилида ўн бир сўзини битта «н» билан ёзибмиз. Ўқитувчи ҳеч нарса демай синфга ориқ, ранглар, жиккак, эски духоба дўнупли, узун бўйли болани бошлаб кирди. Хаммамиз ўқитувчи ҳурматига туриб ўтирганимиздан сўнг:

— Озод, ўн бир сўзини ёз, — деб буюрди ўқитувчи.

Биздан икки синф пастда ўқийдиган Озод ўн бир сўзини иккита «н» ҳарф билан доскага ёзди.

Хаммамиз дарҳол дафтаримизга қардик. Шундан сўнг бу болани севиб қолдим. Кейинги йили мен мактаб комсомол ташкилотининг секретари бўлиб қолдим. Кабинетда нима биландир машғул бўлиб ўтирсам, эшик аска очилди. Қарасам ранги ўчиб кетган ўша духоба дўнупсини қўлга олиб:

— Мумкинми? — деб турибди ўша бола.

— Кириг, — дедим яна учрашганимдан қувониб.

Кирди. Бир варақ қоғозга тоза қилиб ёзилган шеър тутқазди. Деворий газетлага олиб келибди. Шеър яхши эди. Яхши эдимки, ё бу йилгита меҳрим тушгани учун менга шундай туюлдики, ваъдани қуюқ

қилиб қузагдим. Навбатдаги сонда шеър ёзилиб чиқди. Шундай қилиб ҳар ёзган шеърини менга қўрсатадиган бўлиб қолди у. Шеър бизни бир-биримизга маҳкам боғлаб қўйди. Ана-уна бўлиб кетдим.

Шундан бери ундан ҳеч сир сақламайман. Лобарга деб ундан шеърлар ёздирган олганман. Ўзини ҳам таништириб қўйганман. Чунки ўзи кўрмаса шеърга буюқни қасқдан олади?

Озодга ёзган хатимда Лобарни сўрадим.

Бир кунни хаммамизнинг оёғимизга чанги боғлатишди. Кросс бўлар экан. Умримда чанги учмаган бўлсам. Болалар чанги тагига совунга ўхшаш нарса суртиб олишди. Мен: «Қўп бўлса дарвозагача борарман-да», деб ҳафсала қилмадим. Йўқ, буйруқ эмасми, «Хамма борадил!» дейишди.

Солдат тинчлик посбони. Ваган ва халқ посбони. Унинг ақли-хуши жойида. Қаёққа, нимага қарши бораётганини, бажарётган ишнинг зарурлигини яхши англаши керак. Шунда у муқаддас бурчига солиқ қолади. Ўз она юрти олдидаги бурчини иккиланмай ўтади! У командир сўзини икки қилмай, буйруқни бажариши керак.

Ўн қақирим жойга чангида боришимиз керак экан. Эшитиб юзимда қон қолмади. Аммо на илож? Командир «ўл» деса ўлиш, «тирил» деса тирилиш керак. Болалар бир зумда икки қўллариди таёқларини ерга тираб ўрмонга шўнғиб кетишди. Мен ортага судралиб қолдим. Аммо чангидан қолган изни қора қилиб олға нетавердим. Ҳали кетаяман, ҳали кетаяман... Баланд-баланд қайинлар. Учига қарайман десанг бошиндан дўппинг тушади. Хаммаси қорға бурқаниб, жим туришибди. Аста кетяману ваҳима босади. Ўрмонда адашиб кетсам-а?

Бир маҳал мазор устидан чиқиб қолдим. Панжаралар, ўровлар... Худди эртандаги бежирим, кичкинагина қалъадек. Маҳлиё бўлиб қолдим. Қабрда ётганларнинг қўпнинг суратлари ҳам бор... Солдатлар қабри устига юлдуз қўйишди. Бир-иккитасини ўқидиму яна ваҳима босиб қўлга тушдим. Кетяман. Ўрмон ичкарилигида бир дўнг бор экан. Пастга чангида тушишга қўрқиб уни оёқдан чиқардим-да, елкамга олдим. Қор сийрақроқ тушган жойлардан юриб чанги изини қоралаб кета бердим... Нима бўлса ҳам олға кетяман, буйруқни бажарилман...

Бир маҳал кун оққада ўзимиз машғул ўтказадиган майдон олдида чиқибман. Аллақачон мени қидириб топиш учун бир қанча солдат ўрмонга юборилган экан. Пинак бузмай чиқиб келдим. Яна қулги. Рота командиримиз взвод командиримизни имлаб қақирди-да, нималардир ўқирди.

Мен капитандан рухсат сўраб, ўз командиримга муурожаат этдим:

— Ўртоқ лейтенант, солдат Иноятлов ўз вазифасини муваффақиятли ўтади!

Погребнёв қулди:

— Овқатингни ёб ол!

— Хайрият, тинчлик билан ўтди, — деб овқатни иштаҳа билан туширдим.

Йўқ, янгилиган эканман. Эртаси кун қўллар шаҳарга боришга жавоб олди. Мени Погребнёв ёнига қақириб:

— Биз тепалиқда чанги учиб, дам оламиз, — деди.

Роса чанги учди. Лейтенант жуда хушчақчақ одам-да. Тезда ноёқлашиб кетди.

— Кўрпман! — дедим ўша ёқдан кўзимни олмай.

— Шу ерда тошкентликнинг қабри бор. Қолхоз ферма солазим деган эди, онам райкомга бориб, фермани бошқа ёққа кўчиртирди. У ер муқаддас эмиш. Оқ қайин солдатларнинг муқаддас ҳайкали эмиш.

— А? Наҳотки...

— Ҳайратга тушганимдан Катя ажабланди. — Тошкентлик ўша ерда қурбон бўлганми?

— Қурбон бўлган... Кўплар қатори... Менинг дадам ҳам ўша ерда жон берган, — деди ерга қараб Катя маъсуланиб.

— Катя, ўша мен излаган қабр бўлма-син тагин.

— Билмадим, тошкентлик бўлгач, аканг бўлади-да.

— Ўша менинг акамнинг қабри бўлиши керак, — дедим энди қатъий оҳангда.

— Агар у ўзбек бўлса сенинг аканг бўлиши аниқ, — деди Катя ҳам бўш келмай.

— Йўқ, ростакамига, туришган акам! — Билмадим. Бунга кейинги дам олишга ҳал қиламиз, — деди Катя мента ваъда бериб.

Ғалпа тушиб кетганимиз лейтенант Погребеёвга ёқмадим:

— Ешлар, қани олга! Биз олмайди-ган кўрғон йўқ. Менинг уйимни ишғол қиламиз. Вазира шу, — деди.

Қизлар йўқ дейишмади. Биз лейтенантнинг уйига қайтдик.

— Қурбонларни йўқлаб туриш керак, — деди у бир шишанинг оғзини очар экан.

Қадаҳлар жаранглади. Умрим бино бўлиб шу кунга мен ҳам ароқ ичдим. Ароқ ичганим майли-я, сал қизишиб қолгандан сўнг Катяни уйинга тортибман. Хайрлашаётганимизда қизил олмадек яноқларидан ўлиб олганини айтмайсизми?

Руслар ажойиб кишилар бўлади-да. Ери катга. Шунинг учунми бағри кенг.

Погребёв ё билан иноқлашиб кетганимиздан сўнг, мени партия бюросига чақиринди. Суҳбатлашди. Қисмиз комсомол ташкилоти бюросига сайлашмоқчи экан.

Кейинги дам олиш кунга эрталабдан по-



Қасамд қилиб, полккимиз байроғини ўлиб бўлганимиздан сўнггина қўчани кўрадиган бўлдик. Оддий кийимдаги одамлар кўзимизга иссиқ кўринади. Тикан симлар ортидан баъзан кўриб қолар эдик илгари.

Кейинги дам олишгача бирор ножўя иш қилиб қўймай, жуда бўлмаса қишлоққа жавоб тегсин, деб ҳаракат қилдим. Нега десангиз, акам юборган хатларидан бири-да: «Шукур аканг (Мунира оламнинг акаси) Калинин шаҳри атрофидаги ўрмонларда жанг қилган экан. Охириг хати ҳам ўша ердан келган. Жавоб тегса суриштириб кўр, ён-атрофдаги мазорларни зиёрат қил!» деб ёздилар.

Ўша кунга мазорни кўрганам дуруст бўлган экан. Дилимга тугиб қўйган эдим. Чиндан ҳам дам олиш кунга эрта билан Погребеёв чақиртирди:

— Бугун нима қилмоқчисан?

— Жавоб тегса ўлганларни зиёрат қилгани мазорга бораман, — дедим жавоб тегшини чин кўнгалдан истаётганимни билдириб.

— Оҳо, художўй чиқиб қолдинг-ку, — кудди у.

— Кечирасиз, ўртоқ лейтенант, художўй эмасман. Одамохуман, — дедим ҳазилга олиб. Мени биринчи бор кўраётгандай бошимдан оёғимгача назар солиб чиқди-да:

— Соат ўш иккиларда менингга келасан. Валя ҳам шу ерда бўлади. Мен ҳам сенлар билан зиёратга бирга бораман, — деди.

— Ҳўп бўлади, — дедим честь бериб.

Погребёв кудди-да:

— Менинг уйимда сен солдат, мен командир эмасман, ўзингни тенг олиб гап-равар, — деди.

Кўнглим ёришиб, чиқиб кетдим.

Қани энди соат ўш икки бўла қолса. Бирам имиллаб юради-ёй. Соати борларнинг сабрина балли. Яхшиям соатим йўқ. Бўлмаса юрагим ёрилиб ўлар эдим.

Мозорга бордик. Ҳар қабр бошида неча дақиқа турганимизни билмайман...

— Мозор одамга икки хил таъсир қилар экан. Бирини ҳаммаимизнинг келадиган еримиз шу. Шунинг учун одамдек яшаб, ўтиш керак. Ер ҳазар қилмай, қучоқ очиб олсин сени! Иккинчиси: яшаб қолиш керак.

— Яхши ишлаб, давр суриш керак, — дедим фикримни ошқора айтиб.

Лейтенант Погребеёв жилмайди.

— Мен биринчи фикрни танладим, сизчи, ўртоқ лейтенант, — дедим.

— Мен иккинсини ҳам, — деди у. — Узоқдаги коммунизмга секин-аста бориладиган бўлгач, оз-оздан роҳат ҳам кўриб бораверайлик!

— Қизлар нима деркин», деб Катяга қарадим.

Катя ҳам фикрини айтди:

— Ишлашни, меҳнат қилишни билган халқ, яшашни ҳам билиши лозим!

— Ёлғиз картошка-ю, қарам билан эмас, — деди Валя.

— Мен яна қабрлар оралаб кетдим. Излаганим топилмади.

— Катя, яна мазор борми? — дедим.

— Феруз мазорга гўймабди, яна борми, деб сўраяпти, — деди у лейтенантга мени кўрсатиб, майна қилгандай.

— Йўқ, тушунмадинг? Мен бир ўзбек жангчисининг қабрини ахтаряпман, — дедим ўзининг гапини эслатишга уриниб.

— Ўша мен айтган тошкентликимми? — сўради у қизиқиниб.

— Йўқ. Ҳа, айтгандек уни ҳам... Лекин яна бошқасини...

— Мен яна бошқаси борлигини билмайман, — деди у гапимга тушунмагандай оғзимни пойлаб.

— Ўшани кўрмайликми? — дедим Катяни тинчлатиб.

— Бўлмаса онам билан учрашининг керак. Хув очик майдонда ёлғиз оқ қайин турибди, кўряпсанми? — деди узоқда, дунгликда ёлғиз қаққайиб турган оқ қайинни кўрсатиб.

ходга тайёрлана бошладик. Кунлар исиб, ердан қор кетган, ўрмон қоп-қора, ер кўнғир тусга кирган эди. Шинелини думалоқлаб, бўйинчага ўхшатиб боғладик. Ёлқадан ошириб олдик. Карабин орқادا. Противогаз ёнда. Хуллас, жангга шаймиз. Ҳатто буюм халтамазда қотган зон, қанд, консерва. Соат ўш иккилар чамаси эди. «Сафланнинг» деган буйруқ бўлди. Тизилдик. Поход харитаси тахт экан. Взвод командиримиз босиб ўтадиган ўйлимизни тушунтирди. Олтинчи чақирим. Йўл ваҳимаси босди. Олдимиздан «виллис»-да шнғ этиб энг катта командирлар ўтиб кетди. Ортимизда кўча охинона, санитар машина, яна иккита бўш машина судралиб келяпти. Тўхтасак тўхтайдиган, юрсақ юради. Ҳар ўш чақиримда бир тўхтаймиз. Пайтаваларни тескари ўраймиз. Нафасни ростлашга улгурмаймиз ҳам. Яна «сафланнинг!» командаси янграйди. Яна йўлга чиқамиз. Борган сари оёғимиз оғирлаша бошлайди. Ёлқадан биров босаётгандек...

Игирма чақирим йўл босгандан сўнг игирма дақиқаним танаффус бўлди. Турин керак бўлганда зўр-базўр тизганим бунки ўриндан турдик. Бурун каттакларимиз ҳам аччиқ оғрий бошлади.

Ўттиз чақирим... Оёқларни судраб боса бошладик. Бўйинлар оғрий бошлади. Энг серганимиз Назаренко ҳам гиқ этмай қўйди. Демак, ҳар мисқол кучини тежаш керак.

Яна бир танаффусдан сўнг мен ўз қолчимга ўрнимдан туролмадим. Козлов қўлимдан тортиб тургадиган. Ввод шарафи деган гап бор. Бўлмаса... ётиб олардим. Ҳатто биров устимда ўтин ёрса ҳам бағримни ерга бериб ётаверардим. Нега десангиз, катта этгим оёғимни сиқа бошлади. Бу ётига этгини ечиш ҳам маҳол экан, деб қўйдим. Ҳозир хаёл суриш ҳам малол келади кишига. Томоқ қуриб қолди. Ёлқаларда теримиз қотди шекилли кураклар зирқираяпти. Яна йўлга тушдик. Ҳар замон, ҳар замонда ўша иккита бўш машинага теримлиб қўяман. «Бўш келяти-я. Мутлақо бўш...»

Йўқ, бўшлиги кўпга бормади. Старший лейтенант Шехерев взводидан бир солдат юриб кета туриб қулабди. Кимлигини билолмадик. Билишга фурсат ҳам йўқ. Билишга кетадиган кучини ҳам тежаш керак. Ким бўлса ҳам йиқилибди. Кучи тугаган бўлмаса мукнасида кетмасди. Ҳозир мен ҳам йиқилишим мумкин. Енимдаги взводдошларим ҳам йиқилиши мумкин. Ажабланиданган ери йўқ. Биринчи бор шунақа узоқ йўлга чиқишимиз. Кўзларимиз тинилди. Йиқилмасак бўлгани. Йиқилмаймиз. Йиқилмайман. Ён-верим анча очилиб, қаторимиз анча терилиб қолибди. Сафлар анча чўзилибди. Ҳамма болалар ҳам ҳориган... Ҳаммадан ҳам пешанамдан оқиб кўзга тушаётган тер ғашга тегади. Тиниб-ётган кўзни ачитади.

Енимизда сержант Шатров билинар-билимаси қошларини чмириб, жиддий қадам босиб кетаяпти. Лейтенант Погребеёв хурсанд. Чанг босган китрикларини пирпиратиб орқага ўйирлади-ю, орқаси билан юради. Илгари гурс-гурс қадам ташлаб юрад эди. Энди бўлса майда қадам ташлаб кетаяпти. Ерни алгандек оҳиста қадам қўяпти. Ҳаммаимиз қуласак ҳам у кетареваси керак... Ие, ўйласа яхши бўлар экан. Козловга қарадим. Тер қўяпти. Раҳимим келди. «Саша, бўш келма!» дедим унга имо билан. У ҳам кўзи билан иллаб қўйди. «Қандинг борма?» деди. «Бор» дедиму акамнинг бир гапи эсимга тушди. «Биз узоқ масофага юрганда чанқасак сув ичмасдик. Сув ичсанг бутун аъзойи-баданнинг шалвираб, оёқ-қўлинг ўзинг итгаётмай қолиши мумкин. Қанд чайнаймиз. Қанд ҳам куч, ҳам чанқоқни босади!» дер эдилар. Болаларга бир чақмоқ-бир чақмоқдан қанд улашдим. Қўлма-қўл узатдим. Назаренкога икки чақмоқ. Чунки икки кишининг овқатини ейди. Қолаверса хавфсизрайдиганимиз ўша. Жуда ҳолдан тоймаса ҳам бирор қилиқ кўрсатиши мумкин. Қўвлиги бор. Бирортамиз қуласак, взвод ароқсиз бўлиб чиқади...

(Давоми бор.)



Китоб Шайдоси

Ахир одамлар ҳар кун ош-нон, мева-чева сотиб олиш билан бирга ҳар кун биттадан китоб ҳам харид қилишайди, дедим. Шифе-римиз ҳам биз билан анча йилдан бери китоб ташвишига шерин, фикрим унга ёқиб тушди. Ана шунақа меннинг ўйим-орзуим.

Эшик чертилиб хушбичимгина аёл кириб келди. У Москвадаги нашриётлардан нелаётган вакиллари кутуб олиш, улар билан учрашувлар уюштириш ҳақидаги режаларни ўз бошлиғи билан маслаҳатлашиб олдиди, чиқиб кетди.

— Мосвалилар,— деди Баҳри Гуломова,— янги нашр этиладиган китоблар, янги режалари ҳақида сўзлаб бергани нелишяпти. Кейин шунга қараб биз уларга буюртма юборамиз. Биласизми, ҳозир Иттифоқимизда ҳар йили бир миллиард 270 миллион нусха китоб чиқяпти. Ахир, бу ҳазилнам эмас..

— Узбекистонимизда-чи?
— Қирқ миллион нусха.
— Демак, сиз раҳбарлик қилаётган бирлашма ҳар йили шунча китобни аҳолига тарқатиб бериши керак экан-да!

Баҳри Гуломова бош иргачди.

— Халқнинг ўзи ёрдам беради, синглим. Айниқса жамоатчилар. Китоб савдоси ходимлари орасида ҳам китобни севадиганлар оз эмас... Китоб, меннинг назаримда, қуёш нури, қуёш нурига яшаш, таъбир жоиз бўлса, гафлатда яшаш. Уқитувчи ёки тарбиячи кишини балогатга етгунча тарбиялайди, китоб эса бир умр!

Баҳри Гуломованинг китоб ҳақидаги, ўзинга асарлари борасидаги ҳикояларини неча кунлаб тингласам майли эди. Мен ҳатто варақлаб нурмаган китоблар ҳақида, уларнинг замирида қанчалар ҳаёт, муҳаббат борлиги ҳақида сўзлаганида лол қолман, ўзимдан уялман. Уқиш, яна ўқиш керак деган ўлмас фикр қалбимга қучурроқ ўрнашади.

Баҳри опанинг қалбиде китобга, инсонга чексиз муҳаббат ҳисларини уйғотган биринчи киши ҳақида ўйлайман. У семимли шоиримиз Фафур Гулом эди. У—Баҳри Гуломованинг анаси, мурабийиси эди. Одатда, фарзандни фақат ота-она яхши тарбиялай олади, дейдилар. Булар эса ҳали мурган вақтларидаёқ ота-она меҳридан жудо бўлганлар. Фафур Гулом «Урғинча болам» ҳикоясида нақ ўша кунлардаги ҳақиқатни ёзган: «...Замон тошдан қаттиқ, тувинг қўзғайди нон анюга шапёв. Эҳ-а, бу болалар қачон улгайдю, қачон нонини топиб ейдиган бўлади, Тагин бу етимларнинг биттагиниқсан ўғил, учтаси қиз. Қизлар қурғурни ўзи ўраб, ўзи чирмаб оладиган жойи чиқмаса буларга ким ҳам зор...»

Уша етимларнинг бири Баҳри Гуломова эди. Фафур, Саври, Раҳбар, Бахирларни йилт этиб чиққан қуёш—Совет ҳоқимияти бағрига олди. Фафур Гулом ўқиди, ишлади. Сингилларига ота-она берадиган тарбияни у китобдан олиб берди. Ош-нони ҳам китоб тўфайли, шеър тўфайли топиб еадирди. Сингилларини ҳам ўқитди. Мана энди, республикамизнинг минглаб оқила аёллари қаторида Баҳри Гуломова-ден коммунист-гранданин бор!

Баҳри Гуломова энг хайрли, энг аҳамиятли вазифани адо этапти. Уни бу ишга танлиф этишганда, бу—савдо иши деб эътироз билдирди. Чунки ўша вақтгача Баҳри Гуломова муаллималини қилган, партия ва совет ташки-

лотларида раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган, ҳаммаша халқ оммаси сафиде эди.

Бу вазифа савдо эмас, китобларни тарғиб қилиш, ҳар бир хонадонга китоб тонг нуридек кириб бориши учун курашиш керак — дейишди.

Баҳри Гуломова анаси билан маслаҳатлашди. «Жуда тўғри — деди Фафур Гулом,— ҳа деса ўзинг китоб шайдоси бўлавермай, бошчаларни ҳам шайдо қил! Ахир бу анойиб иш-ну!»

Баҳри Гуломова Узбекистон Китоб савдоси бирлашмасининг бошлиғи бўлди. Одам мансаб билан эмас, мансаб одам билан улуг.

Мана ўшанга ҳам ўн беш йил бўлди. Тор магазинлар кенгайди, йўқ дўконлар бор бўлди. Республикаимизнинг у бормаган шаҳар ва қишлоғи қолмади. У ҳамма жойда китоб ҳақида шундай меҳр билан сўзлардиган, суҳбатдоши қалбига китобга чексиз муҳаббат туйғуларини ҳаёт этиб қайтарди.

У, китоб савдоси ходимларини танлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳақида қайғурди. Ҳар йили махсус семинар ва курсларда юзлаб ходимлар ўқийди. Улаб надрлар Москва ва Ленинграддаги институтларга малака ошириш курсларига юборилди. Кейинги йилларда республика билим юртлирида китоб савдоси факультетлари ташкил қилинди, мажмудалари кенгайтирилди.—Китоб сотувчи ҳар кун намида бир варақдан китоб ўқиса ҳам,— дейди Баҳри Гуломова,— йиллар давомида натта билим олади.

Баҳри Гуломова жамоатчи китоб сотувчилар номини эъзоз билан тилга олади. Улар Фаргона тўқимачилик номбинатига, Бухоро зардулли фабрикасида, Охангарон кўмир конида, Чирчиқ нимб номбинатига, колхоз ва совхозларда ишлаётган коммунист ва комсомоллар.

Баҳри Гуломова билан бафурка суҳбатлашиш қийин. Кенгача келди-кетди: ҳали ёзувчилар, ҳали муҳаррирлар кирди; қоз этиладиган янги асарлар нусхаси ҳақида у билан маслаҳатлашади.

Баҳри Гуломованинг орзулари чексиз. У, шахримизда улкан «Китоб уйи» қуриш фикрини ўртага ташлади. Партия ва ҳукуматимиз бу фикрни маъқуллади. Ҳозир лойиҳа тайёр. Бир йўла олтинш минг номдаги китобни намойиш қилувчи улкан уйлти 1970 йилда ишга тушириш кўзда тутилгани, Бундай уй Фарғонада ҳам қад кўтарайди.

Баҳри Гуломова республикамиз босма санъати янада тараққий этишини, нақшдор, ихчам китоблар қоз этилишини орзу қилади. У ўтган йил Навоий юбилейига шоир асарларини манжон миннаторуа шаклида нашр этиш фикрини олға сурган эди. Оз нусхада бўлсада Навоийнинг рубоий ва ҳимнатли сўзлари ўшандай шангла босилиб чиқди.

Кун сайин янги-янги китоблар дунёга келмоқда. Доҳий В. И. Ленин юбилеи олдидан, унинг асарлари, у ҳақидаги хотиралар ва бадиий китоблар босмадан чиқмоқда. Республикаимиз китоб савдоси ходимлари эса ана шу нобет китобларни ўз эгасига—китобхонларга етказиб бериш учун иш олиб бормоқдалар.

Баҳри Гуломова ҳузурда неча бор бўлмай, ҳар гал ундан янги сабоқ олган талабадай қаноатлилик чиқаман.

С аволимдан таажкубландими, у мулоим кулди. Қўлида ўйнаб турган кўзойнагини столга қўйди.

— Кичин қизим Нодира сизга ўхшаб саволаш,— деди у аста, ёнимли товуш билан. Кўзойнагини олиб яна ўйнай бошлади. Мен саволдан зериккан экан шекилли, деб ўйладим, гапини аннироқ жавобга йўламоқчи бўлдим:

— Катта ҳаёт йўлини босиб ўтган сиздан аёлни...

Баҳри Гуломова жилмайиб гапида давом этди:

— Нодирам ҳам журналист бўлмоқчи. Дорифунда, иккинчи курсда. Бир кун «Ойи-жон, ҳозир ўн сакиз ёшли қолсангиз майлими?» дейди денг.— «Нега энди...» — «Вой, нега энди эмиш? Ешаришни хоҳламайсизми?» «Эшлик одамга бир келади, қайтариб бўлмайди. Қушга ўхшайди. Учади кетади. Аммо мен яхши яшадим, яхши яшайман, ишлапман, даданг билан сизларни устирдик...»

Телефон жиринглади. Баҳри опа ним биландир сўзлашаркан, мен унинг ҳаёт жилваданиб турган бугдай ранг юзига ҳавасим келиб тикилиб қолдим. Қандай бахтли-а, унинг фарзандлари деб пичирлайман. Шундай онанинг фарзанди бўлиш... Баҳри Гуломованинг ўғил-қизларини танийман. Катта ўғли Дарвин Москвада докторлик диссертациясини ёйлаш арафасида. Иккинчи ўғли Рустам—инженер. Қизи Фарида ҳинд тилидан мутахассис, Ҳиндистонда бир неча ой яшаб таърибга орттириб келди. Ҳозир у ҳинд аёлларини кураши, ҳаёти ҳақида диссертация ёзаяпти. Беход физик, Маликана Офарин эса философ бўлмоқчи. Баҳри опа олти фарзанднинг онаси, уларни чин инсон қилиб тарбиялай олган иродали, мард она!

У телефонда гаплашиб бўлди, келишган, пишин, гавадасини столга кийл ташлаброк жинга қаради. Унинг кўзларида яна табассум жилваланди.

— Кеча денг, Олой бозори ёнидан ўтиб борарёвдим,— деб суҳбатни давом эттирди Баҳри опа,—хаёл сўриб ўзимча кулибман. Бунини шофёримиз Каримжон рўпарасидеги ойнадан кўриб қолдиби. «Ҳа опа, нега кулаясиз?» деб сўраб қолди:—эй уна, ўзимча бир манзарани тасаввур қилиб кўрдим: шу десангиз, анави қатор ноз-неъмат расталари ёнига яна узун-узун расталар қўйилган. Уларга хилма-хил китоблар терилган. Атлас нўйякани қизларчуст дўппили йигитлар, баҳжал капазулли аёллар қучоқ-қучоқ китоб сотиб олишяпти. Бу ёқда яна той-той китоблар келтириляпти.

Сағъат МАҲМУДОВА.

Совчилар

ҲИКОЯ

Кизларнинг одати қизиқ-да. Бирортасига совчи келганини эшитиб қолишгудай бўлишса тамом, ҳол-жонига қўймай суриштиришади: «Қанақа йигит? Чиройлими? Қаерда ўқирман?» Қиз бечора анигини айтмагунича қутулмайди.

Бугун мантабдан қайтайтиб йўлда инкита аёлга дуч келдим. Уларнинг бири қир, иккинчиси эса қирқ беш-элик ёшлар чамасида эди, Салом бериб ўтиб нотаётганим, улар мени тўхтатишди ва отамнинг отини айтиб, «уйини кўрсатиб кўйгин», дейишди. «Хўп» деб уларни уйимиз томон бошладим: дарвозамизга яқин қолганда, аёлларнинг нексароғи мендан сўради:

— Қизим, Ботирбойнинг қизи бор дейишди, танийсанми?

Юрагим шув этиб кетди, лекин сир бой бермай бошим билан «ҳа» ишорасини қилдим.

— Анча бамаъни қиз деб эшитдим. Ўзининг қишлоқда уларнинг узоқ бир қариндоши туради. Қизнинг оналари уларнингга меҳмонга бориб тураркан. Биз совчи бўлиб келмаётган йигит ўшаларнинг қўшиниси бўлади. Жуда яхши, обрўли оила. Ишқилиб қиз ҳам яхши бўлсин-да! Балки сен билан ўқир, хулқ-атворини биларсан?

Гап ўзим ҳақимда бораётганини билиб кўриб кетдим. Нахотки менга ҳам совчилар... «Йўқ, йўқ! Уларни қайтариб беран, лекин қандай қилиб?» Саросимга таушиб уларга тикилдим.

— Билмайман! — Бирдан оғзимдан чиқиб кетди. Аёлларнинг иккаласи ҳам ялт этиб менга қарашди. — Уйини ҳам билмайман! — Шундай дедиму уйимиз томон тез-тез юриб кетдим. Ленин орқамдан аёллардан бирининг: «Вой, шу қизнинг ўзи бўлмасин» деган гапини эшитдим.

Тавба! Совчилар қандай келаркан, деб ўйлаб юрардим. Баъзида қизларни кулдириш учун: «Агар менга совчи келса, олдига чойни дамламадан олиб кираман», «Ҳеч иш қилиб кўрмаган шенили, чойни ҳам қайнамадан дамлапти» деб ўйласин дердим. Энди нима қиламан? Уйдагилар рози бўлиб қўйишса-я. Худо асрасин! Бир қизга неча марта совчи келди! Бир келгани билан беришармиди? Лекин у йигит ким экан-а... Мени қаердан биларкан? Ахир, қариндошларимизникига бормаганимга ҳам етти-саккиз йилдан ошлатти-ку. Ё у ўқишда бўлса бирорта қизни етанлаб нелишидан кўриб, ўзлари уйлантиришмоқчи бўлишганиман!..

Дарвозадан нирдим тўппа-тўғри хонамга бурилдим. Ойим ўчоқ бошида овқатга уйнаётган экан. Китоб-дафтаримни стол устига ташладим-да дераза ёнига келиб ўтирдим.

Сал ўтмай дарвоза тақиллади. Ойим «киринг» деб товуш қилганидан сўнг, дарвоза сенин очилди. Ҳалати бўлиб кетдим, ўзим ўйлаганимдай боьги инки аёл кириб келарди. Ойим уларга пешвоз чиқди ва илиққина сўрашиб сада тағидаги чорпоьга ўтказди. Улар анча вақтгача гурунглашиб ўтиришди. Мен эса нуқул ойимнинг авзойига қарайман. Чунки, уларнинг гапини эшитиб қовоғини уюб олар деган умиддаман-да, ахир! Йўқ, онамнинг юзнда ҳеч қандай ўзгариш сезилмади.

Ниҳоят аёллар уринларидан кўзгаллишди. Дарвоза ёпилиши билан ҳовлига чиқдим. Ойим уларни жуда хушчақчақ кузатиб қайтарди. Мен сир бой бермай, оймидан сўрадим:

— Улар нимлар?

— Совчилар!

— Нега келишди?

— Ўзинг олиб нелибсан-ку! — оймим шундай деб нулиб юборди. Сирим очилиб каловлиниб қолдим. Шундай бўлса ҳам зарда билан яна сўрадим:

— Нима деб жавоб бердингиз?

— Дадаси келсин, узидан сўрайлин дедим.

— Барибир тегмайман, овора бўлишмасин.

Мен ҳали ўқийман, тушундингизми?

Шундай деб Ханифаларникига чиқиб кетдим. Орадан анча кун ўтди ҳамки, совчиларнинг қадами узилгани йўқ. Нима қилишимни билмайман. Лекин оёғимни бир этинка тиқиб олганман: «Тегмайман дедимми тегмайман». Уйдагиларнинг хуноби ошган. Қандай қилиб рози бўлишди — билмайман. Уларнинг фикрича гўё биринчи совчининг эшигини фаришта очар эмиш. Кеча онам Ханифани қақриб олиб: «Жон болам, бизлар гапирсан, нари сакрайди, сен тушуонтиргин. Қишлоқдаги урф-одатни билсан-ку, дарров гапиршади. Ҳалиям дадаси мен қизимдан розилин сўраб ўтирмайман» деганим, мен қўймадим — ҳеч бўлмаса бир оғиз сўрайлин деб. Сен алдаб-сулдаб кўндиргин, оиласи жуда ҳам яхши. Узим неча марта кўрганман. Йигит ҳам ақлли бола. Қанча ўқийман деса ўқитамиз дейишарпти. Дадасининг феълини билсананку ўзинг,

бирор гап эшитгудай бўлса уни ҳам соғ қўймайди, ўзини ҳам. Бир илож қилиб кўндир, қиз қизнинг галига ниради депти. Ханифа рози бўлипти ва кўрсатиш учун йигитнинг расмини олипти.

Қишлоқда қизин одат бор. (Балки бу фақат биз томондагиларнинг одатидир). Бир қизини гап совчи келса, агар қиз билан йигит бир-бирини танишмаса, совчилар йигитнинг суратини бериб қизнинг суратини олиб кетишади. Сурати ёқса ўзи ёқди ҳисоби, рози бўлишаверади. Шунинг учун ҳам қизлар совчи дарагини эшитишлари биланоқ бир-бирларидан сўрайдилар: «Қанақа йигит экан? Чиройлими? Суратини кўрайлин-чи, бизга ёқса сенга ёққан». Эрталаб мантабга келсан синфимиз қизлар тўп бўлиб ниманидир талашиб кўришарпти. Мени кўришдию ним бўлиб қолдиши. Адиба қўлидаги суратни кўтариб чопиб ёнимга келди-да димоғдор қилиб гапирга кетди:

— Мавну... агар «хўп» десаңг ўласан! Сенинг тирноғинга ҳам арзимайди бу — кейин суратга ишора қилиб қўшимча қилди, — ўзинг кўрганмидинг?

Гап нима ҳақида бораётганини тушундим-да сенин бош чайқадим.

— Йўқ...

— Ма, кўр! — у суратни менга узатди. Ленин олмадим. Узоқдан шундай бир кўрқибми, уялибми назар ташладим холос. Йигит сурат-



С. СУБХОНОВ расми.

да нулиб турибди. Жонсиз сурат бўлса ҳам истарасининг иссиқлиги дарров билинди.

— Чиройлимасакан, дегерма, гап чиройда эмас-ку, анди бўлса бўлди-да—деди, Ханифа Аднбага эътироз билдириб, — сени ўша чиройли лекин истараси илондай совуқларингдан бунини ўлса ўлиги ортинчи!!!

— Гапирдинг-да,—деди Аднба кўлларини силтаб ва давом этди,— сибсатдан гапирмай, пастроқ тушсанг-чи, унинг тақдири шу битта сурат билан ҳал бўлишини ҳам биллапсанми? Сен бўлсанг нуқул онасининг гапини маъқуллаб гапирасан-а, таваба!

Шу пайт Ханифа кўзимга худди душмандай кўриниб кетди. Рост-да, унинг қанақалигини суратдан билиб бўлармиши? Тугоқиб нетганимдан Аднбанинг кўлидан суратни юлиб олдим у парча-парча қилиб уйга югурдим. Қандай ва қай ҳолда югуриб негганимни ўзим ҳам билмайман. Дарвозадан кирдимку «ойи» деб бақирдим. Ойим ҳам югуриб менга пешвоз чиқди, Юзига ҳам қарамасдан майдаланган суратни оёғининг остига ташладим.

— Ана олинг, Агар яна нелишгудай бўлса совчиларни ҳам...

Гапим оғзимда қолди, Ойим жаҳл билан шиврлади:

— Товушингни ўчир!

Шундагина чорпоёда совчилар ўтирганни сездим. Қандай тез неглан бўлсам, шундай тез чиқиб кетдим...

Ушандан кейин совчилар уйимизга қайта қадам босишмади. Уйдагилар мендан анчагача хафа бўлиб юришди. Кейин ҳаммаси унутулиб кетди. Урта мактабни битириб Медицина институтига ўқишга кирдим. Иштихон топшириб юрган кезларимда бир йил билан танишиб қолдим. Кейин инкаламиз бир курсда ўқиб бошладик. У билан тезда иннолашиб кетдим. Курсимиздагилар Анварни жуда ҳурмат қилишар эди. Аста-секин юрагимда унга нисбатан аллақандай меҳр уйғона бошладим. Энди унинг исминини қизлар тилга олишганда қандайдир галати бўлиб нетардим. Қизганиш ва рашина ўхшаган бир нарса ичиде ўт бўлиб ёнардим. У менинг хаёлимда қандайдир бир олижаноб, мағрур йилгит эди. Тўғриси Анвар менга қанақа қарайди, аниқ билмайман. Лекин муомаласидан севиши аниқ, балки менга шундай кўринаётгандир, балки у бучақа гапларни хаёлига ҳам келтир-

магандир. Агарда чиндан ҳам шундай бўлса-чи? Унда нима бўлади, унга севгимни ошкор этишга қурбим етганими? Йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. У мени севади!

Ленин, нима учундир, охириги ана шу бир оғиз сўзини, ҳамшиша мен учун ишонарли эмасдай туюлади...

...Каш-паш дегунча бир йил ҳам ўтиб кетипти. У ҳамон ўша. Ҳамон сирли муомала қилади. На севишини биламан, на севамлигини. Батъида атай унинг жаҳлини чиқаришга ҳаракат қиламан. Лекин унинг парвои фалак. Жонига боса теккан тақдиримда ҳам кўзимга тикилиб: «Ростдан ҳам шу жаҳл сизиникими» деб нулиб кўялолади.

Бир кунни нима бўлдию биринчи курсдайдигандан буён гап отиб юрган Мўминининг исми йилгит, лъин курсдошим дарс пайтда қогозга бир нарса ёзиб менга узатди. Анвар ҳам ёнимда ўтирган эди ўшанда. Олдин-да жавоб қайтардим. У яна ёзиб берди. Бу менга эриш туюлса ҳам атайлаб жавоб қайтаравердим. Севиб турибман, Анвар аввалога ўзини эътибор қилмаётган кишига олди. Кейин қоши чимирилиб мендан кўзини узмай тикилиб қолди. Чунки гапириб юганини унинг ўзи ҳам биларди-да! Охири чидга олмади. Хат ёзаётган кўлимнинг устига секингина қўлини қўйди.

— Етади...

Унинг шу биргина сўзи бутун вужудимни титратиб юборди. Кўлларининг ҳароратига тоб беролмай ерга ағилдим.

Машғулот тугагач, бирга кетдим.

— Кўполлик қилдим шенили...

У бу сўзини қандайдир бир изтироб билан айтди. Индамадим. Нима ҳам дердим. «Йўқ, кўполлик қилмадингиз, мен ўзим атайлаб шундай қилувдим, атайлаб рашикингни келтирмоқчи эдим» дейинми?

— Мавзун... Мен сизни одамлардан қизганиман! Одамлар деганда ҳам ҳамма одамлардан эмас, мен тушунон одамлардан қизганиман, Сиз шуни биласизми?

Ҳа у мени севади! Бугун биринчи мартаба унинг чиндан севишига ишондим. Шунинг учун ҳам бугун биринчи бор унинг кўзларига тик қараб:

— Билмасдим Анвар, ленин билишни истардим,—дедим.

У сўзларининг маъносига тушунди ва елкамдан маҳкам ушлаб ўзига қаратди:

— Ростданми...

Унинг ҳаяжондан титраётган кўлларини секингина елкамдан тушурдим...

«...Еги имтиҳонларга тайёргарлик қириб юрган кунларимизнинг бирида унинг онаси келиб икки нун туриб кетди. У онасини кузатиб негланган кейин, дарс тайёрлагани хиббонга чиқди. Мен тингламоқчи, у эса ўқимоқчи бўлди. Майсалар устига узала тушганича хаёл суриб кетди. Кутиб ўтираверсам ўқимайдиган. Бир чангал майса юлиб юзига отдим-да китобга ишора қилди:

— Уқисангиз-чи...

— Ҳўп, Ҳозир...

Ленин ўқимади. Анча вақт ўйлашиб кейин гап бошлади.

— Биласизми, онамга нима дедим...

Юрагим бир нарсани сезиб, титраб кетдим.

— Нима дедингиз?

— Одам юбораверингизлар, дедим.

— Нима? Ҳозирдан-а, қаранмас, ҳеч бўлма-са юқори курс бўлайин ахир...

— Ленин онам рози бўлмади,—у шундай деб нулиб ўрнидан турди.

Нима дейишини билмай қолдим. Хаёлимга нималар келмади дейсиз. Аланимнинг титиб кетмоқчи ҳам бўлдим. Ленин ўзимни босиб манжбуран бўлса ҳам сал нулиб истеҳзо билан сўрадим:

— Жуда яхши. Ленин сабабини билсан бўладими?..

— Сабаби, онам бечора сизларнинг одам юборишга қўрқармиш. Чунки бир одам юқориб панд еган экан.

Бирдан хаёлимга биринчи совчилар келди. Нахотки ўшал Унга ҳам худди шу саволни бердим!

— Нахотки ўшасиз...

— Худди ўзи. Мен ҳам шу вақтгача билмасдим. Кеча онам айтди. Қариндошларингизни яхши таниран. Отангизни отини айтишим билан рад қилди. Кейин ўша қиз шу деб сизни кўрсатганимдан сўнг рози бўлди. Эшитишимча расминини ҳам йиртиб ташлаган экансиз!..

Хаёбаним, ҳаяжонданми тилимга ҳеч нарса келмасди. У сочларинини кўлларига ўраб аввалгидай сирли ва эҳтирос билан тикилди.

— Энди йиртиб ташламайсиз-ат.

Уялганидан кўлларини билан юзимни бер-

нитиб секингина кўнисига бош қўйдим...

Шаҳодат ИСАХОНОВА.

ИХТИРОЛАР

КАШФИЁТЛАР

ЯНГИЛИКЛАР

ЕЛИМЛАНГАН КЎПРИК

Ярим миллиметр қалинлигидаги елим мяъдан биринтиригч ёни юзлаб миҳ ўринни бо, са оладими? Воса олар экан! Елимланган темир-бетон тўсинлар қуйма темир-бетонга қараганда пишикроқ бўлар экан. СССРда ана шундай елим ишлаб-ио санксизта кўприк қурилади. Булар орасида Днепр дарёсидати икки километрлик кўприк ҳамда Ярославль шаҳрида Воллага қурилган кўприклар бор.

ТИЛЛА УЗУКЛИ ҚИСҚИЧБАҚА

Ленинград вагонсозлик заводи ходимлари Комсомол кўлидан галати қисқичбақа тутишди. Унинг чиганоги негандир ялтилар эди, Сичинсизаб қарашса, қисқичбақа тилла

узун таъиб олибди. Чинакам ниқоҳ узуги! Кимдир бу тилла узунни кўлга тушириб юборган-у, қисқичбақа кичилигида узуннинг «ичига» қирлган. Натияжада умрбод «ниқобланиб» қолаверган.

ОҚ НЕФТЬ

Нефтни одатда «нора олтин» деймиз. Ленин у фақат қора рангда эмас, балки оқ ҳам бўлиши мумкин экан. Ана шундай оқ рангли нефть боллиги Оби-Васюган деган жойда борлиги аниқланди. Бир чуқурликдан рангсиз суюқлик отилиб чиқа бошлаган. Текширилиб кўрилганда у нефть эканли маълум бўлди. Кимёгарлар бу оқиб чиқаётган суюқликдан арзон каучук, турли хил спирт, бензин ва бошқа мойлар олиш мумкинлигини амалда кўрсатишди.

ШАР СИМЕҒОЧЛАР

Япония электрлаштириш жамиятининг монтажчилари Нруто бўғози орқали юқори қувватли электр симлар ўтказишда ажойиб янгилик яратдилар. Қурилишда симёғоч ўрнига дунёда биринчи марта шарлардан фойдаланилмоқда: чунки сатхи кенг ва тез оқар сув юзасида темир-бетон ва симёғочлардан фойдаланиш иложи бўлмади. Натияжада юқори қувватли жуда оғир электр симларини

тортишда симёғочлар ўринига, ичига енгил гага тўлдирилган шарлардан фойдаланилмоқда.

«МУЙСАФИД» ШАРОБ

Яқинда Лондонда виночиларнинг халқаро ким ошди савдоси бўлиб ўтди. Бу ерга нахонинг ҳамма бурчанлариндан хилма-хил шароблар келтирилган эди. Узоқ Канар оролларидан бундан 228 йил муқаддам тайёрланган бир шиша шароб ким ошди савдосида энг юқори баҳооланди. «Мўйсафид» шаробнинг баҳоеси — 185 фунт стерлинг (бизнинг пул нархида 483 сўм атрофида) бўлди. Мутахассисларнинг таъкидлашларига, инсоний тарихида ҳали бирор хил шароб бундай юқори баҳода сотилмаган. Бу шароб қандай йул билан Вуюк Британияга келтирилгани ҳозирча ноаниқ. «Мўйсафид» шароб жуда эски бўлишига қарамай хуштаъмдир.

«ЎЗБЕКИСТОН» ШАРОБИ

Бухоро вино заводида ишланган «Ўзбекистон» шароби жаҳонда кенг шухрат қозонмоқда. Болгария, Италия, Чехослования, Югославия сингари қатор мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда юқори баҳо олди. Олтига олтин, учта кумуш медал олган бу шароб соҳибларига офарин!

Кўнгиш жаҳон кўради

1968 йил кўп воқеаларга гувоҳ бўлди. Унинг ҳам ҳаёжонли, ҳам ташвишли, ҳам қувончли, ҳам изтиробли воқеалари ўтмиш солномасининг саҳифаларига битилди.

Ўтган йил Советлар мамлакатига Меҳнат ва Кураш йили сифатида яқунланди. Унинг куч-қудрати ўси, жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори ошди.

Аммо тараққиёт душманлари социализмнинг ғолибона юртини тўхтайтиб қўлиш учун яна бир бор уриниб кўрдилар. Ғарб дунёси социалистик мамлакатларини ичидан туриб бузиш учун унинг назарий асоси—марксизм-ленинизм мафкурасига ҳужум қилдилар, иғво ва бўҳтоннинг барча усулларини ишлатиб кўрдилар. Жумладан, халқаро реакциянинг навбатдаги ҳуруж социалистик Хелосовокаига қаратилди. Бу ҳақда сиз «Гулистон»да илгари ўқиган эдингиз, шунинг учун такрор тўхталиб ўтиришни лозим кўрмадик.

Ҳозирги кунда халқаро ҳаётнинг боришини икки қарама-қарши лагер—социализм ва капитализм ўртасидаги кучлар нисбати белгилайпти. Бу нисбатнинг қай даража эканлигини Вьетнамдаги воқеалар яққол кўрсатмоқда.

Вьетнам урушида, империализм тўла мағлубиятга учрапти. Американинг юқори табақага мансуб амалдорлари ҳам бу поёни йўқ урушга умидсизлик билан қарамоқдалар.

АҚШнинг Вьетнамдаги собиқ қўмондон Уэст Морпанд 1968 йилни «Ғалати йил» бўлади, деган эди. Аммо ўзи йил охиригача чидаш беролмади, ҳужумлардан эси оғиб, араги Вашингтонга етиб олди. Американинг «электрон-ақли» Макнамара ҳам Вьетнам масаласида боши қотиб, Мудофаа ва Министри лавозимидан истеъфо беришга мажбур бўлди. Жонсон эса, нима қилишини билолмай, ноилж Вьетнам музокараларини бошлашга «розилик» берди. Лекин, май ойида Париждаги Клебер аеноининг Конгресслар уйда бошланган учрашувлар давомида ҳам уруш тўхтамади, бу уруш натижаеи ўларок, америка солдатларининг АҚШ миллий байроғи билан ўралган тобулари Вьетнамдан океан ортига ташлаверди... Ниҳоят, Жонсон Оқ ўйдан бутунлай хайрлашиб чиқар экан, остовада туриб, Шимоллий Вьетнамни ўққа тутишни тўхташ ҳақида буйруқ берди...

Аммо АҚШга Вьетнам уруши жуда қимматга тушмоқда. Фақат кейинги уч йил ичиде 300 мингга яқин америкалик солдатнинг жанозаси ўқилди. Бундан ташқари, ҳозиргача 3 ярим минг самолёт уриб туширилди. Буларнинг ҳаммасини, доллар билан ҳисоблаб кўрайлик-а? Биргина «В-52» самолётига юкналадиган бомба (ҳар бири 340 килодан) 30 минг долларга тушади, самолётнинг ўзини ишлаб чиқаришга миллион-миллион доллар маблағ сарфланмоқда.

Марҳум Мартин Лютер Кингнинг ҳисобига кўра, Америка урушқоқлари, Вьетнамдаги урушга ҳар йили 20—30 миллиард доллар сарфланмоқда. Ваҳоланки, ҳозир Американинг ўзида 40 миллион киши қашшоқликда яшайпти. Уларнинг ўртача ҳаёт кечирिशлари учун йилга 10 миллиард доллар етади. Аммо АҚШ ҳукумати зўр бериб қуроллаштиш поғисини авжига миндирмоқда: янги тиндаги биргина «F—III» оғир бомбардимончи самолётнинг қуришга 13 миллиард долларга яқин маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда.

Ҳозир Вьетнамда АҚШ ва унинг иттифоқчиларининг 1,5 миллионга яқин тирноғи билан қуролланган аскарлари ҳаракат қилаяпти. Бу урушда қимёвий қуроллар, юқумли касалликлар тарқатадиган суяқликлар, дорилар, радиоактив чанглар, захарли моддалар ва газлар борган сари кўпроқ ишлатилмоқда. Натижада, 1959 йили Жанубий Вьетнамда бирорта киши безгак билан касалланмаган бўлса, 1966 йили 2404 киши бу дардга мубтало бўлган, 1967 йили бу рақам икки бараварга чўккан, ўтган йили эса яна кўнайган.

Ғарб газеталарининг ёзишicha, Американинг Форт Детриск лабораторияси «Ботулину» деган захарли газ ишлаб чиқарган. Бу газга грифтор бўлган одамларнинг асаби мажруҳ бўлар экан. Машҳур бир инглиз олимнинг фикрича, «Ботулину»нинг бир бор қўлланиши водород бомбасининг порляшидан кучли.

Америка босқинчилари қанча уринмасалар, вьетнам халқини тиз чўктира олмайдилар, уларнинг иродасини ва озодликка интилишини сўндириб бўлмайдилар.

Яқин Шарқдаги воқеалар ҳам Вьетнамдаги жинояткорона сиёсатнинг давоми ҳисобланади. АҚШ Исроил урушқоқларининг тегирмонига сув куйиб, тинчликсевар арабларга қарши иғвогарликни кучайтиришда кўпроқ «халис» хизмат қилмоқдалар.

Маълумки, дастлабки пайтларда дунёдаги сионистик ташкилотлар Эшқол ҳукумати ярим миллиард доллар ёрдам юбди. Сўнгги йиллар ичиде Исроилга бу ташкилот 1,5

миллиард доллар, АҚШ «совға» тариқасида 315 миллион доллар, ГФР эса тоғон пули сифатида 2 миллиард долларга яқин, хусусий кишилар эса 935 миллион доллар ёрдам бердилар. Бунинг устига, 480 дан ортиқ сионист-мульти миллионерлар «жабрланган Тель-Авив» ҳарбийларига «иктисодий» ёрдам беришга тайёр эканликларини билдирдилар. Шунингдек, Америка, Франция ва Ғарбий Германиянинг бомбардимончи самолётлари ахудиай ихтиёрга бериб қўйилган. Исроил аскарлари америка ҳарбий инструкторлари раҳбарлигида тайёргарлик кўрмоқда. Немис реваншистлари бундесерда Исроил солдатларини машқ қилдирмоқдалар.

Халқаро империализмдан ана шундай мадад олганлиги учун ҳам Исроил кутурмоқда, кўзи қонга тўлиб араб халқларига қараб ҳурмоқда. Истило қилинган ерларда тинч аҳолини ваҳшайларча қийнамоқда. Лекин бу урушдан Исроилнинг оддий меҳнаткашлари ҳам жабр тортмоқдалар. Ҳозир мамлакатда 70 минг ишсиз бор. Иш ҳақи камайтирилмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида ҳар бир ишчининг иш ҳақи 8,2 процентга пасаиди.

Шунга қарамадан, Исроил ўз қўшинларини араблар юртидан олиб чиқмаяпти, ўқтин-ўқтин ўт очини тўхтамаяпти. Эшқол ҳукумати БМТ Хавфсизлик Комитетининг 1967 йил ноябрь резолюцияси талабларини бажармай, жаҳон жамоатчилигини менсмай келмоқда.

Лекин, ҳаққоният қарор топиш табиий. Тинчликсевар араб халқи ишончли суянчиги— жаҳондаги социалистик ва тараққийпарвар кўчлар борки, улар Яқин Шарқдаги кескинликни юмшатишга ҳаракат қилаверадилар.

Ўтган йили, халқаро жанглар вазифасини ўтаётган АҚШнинг ўзида ҳам чуқур ижтимоий ниқирозлар юз берди. Бу нарса, айниқса Оқ уй хўжайинлиги учун бўлган «жанг»ларда яққол кўринди. Сайлов кескин зиддиятлар билан ўтди; демократик партиянинг ўзида ихтилофлар келиб чиқди; Жонсон кутлмағайда ўз номзодини навбатдаги муддатга қўйишдан воз кечди; мамлакатнинг ўзида Вьетнам агрессиясига қарши чиқишлар кучайиб кетди. Бунинг устига, Лос-Анжелосдаги «Амбассодор» меҳмонхонасининг йўлкасида ёлланган қотил томонидан Роберт Кеннедининг ўлдирилиши, Чикагода Ю. Маккартни қувватлаётган ёшлардан шафқатсизларча ўқ олишлар, Мэйгатида республикачилар съезди бўлаётган залнинг биқинида негрларнинг кучли тўқилдилари ва қонли тўқнашувлар бу зиддиятларни фожиая тўлаштириб юборди.

Ана шундай воқеалардан сўнг 5 ноябрь кунди 43 процент овоз билан янги президент—республикачи Ричард Никсон сайланди. Бу йилги сайловлар учун Америка тарихида энг катта маблағ—250 миллион доллар сарф қилинди. Хуллас, президент сайланди, сиёсатдон ўзгарди, сиёсат эса боғидек, ҳамон ўша, зўрликка асосланган сиёсат, урушқоқлар сиёсати, сиёсатсиз чўккан сиёсатдир!

Умуман, 1968 йил Америка тарихида яна бир қора саҳифа очилган шармандали йил бўлди: 4 апрель кечқурун Мемфисдаги «Лоррейти» меҳмонхонаси айвонида машҳур негр курашчиси Мартин Лютер Кинг жон берди; роппа-роса икки ойдан кейин, унинг қотили Лондонда сайр қилиб юриб қўлга тушган кунди, Арлингтон қабристонига ўн бир боланинг отаси, собиқ президент Жон Кеннедининг укаси сенатор Роберт Кеннедининг гўри тепасида кенжа Кеннеди—Эдуард қон қақшаб, йнглаб турарди... Эндликда, Америка тузалмайдиган «касал», «телба» жамият эканлигини америкаликларнинг ўзлари ҳам таи олмақдалар. Ахир, 1967 йилнинг ўзидагина 6500 киши отиб ўлдирилган. Бу нисбат, Англияда—30, Францияда—20, Бельгияда—11 кишига тенг. Кейинги 60 йил ичиде Америкадаги 750 минг киши суяқсиз натижаеида ҳалок бўлди. Бу—Америка тарихида бўлиб ўтган ҳамма урушларда ўлдирилган одамдан анча кўп.

Хуллас, империализм чуқур ниқирозларни бошидан кечирмоқда. Америка публицисти М. Ньюбернинг тили билан айтганда, «ташқи сиёсатда—ниқироз; иқтисодий соҳада—ниқироз; ахлоқ масалаларида—ниқироз; ижтимоий тузумда—ниқироз. Йилма-йил биз ўзиниз унга ҳаракат қилаямиз, ёки бир ниқироздан иккинчисига бизни маҳкум этайтиладар».

Дунё воқеаларга бой. Лекин, бу воқеаларнинг бориши, империализм фойдасига эмас, балки социал тараққиёт учун курашаётганлар, янги жамият қураётганлар фойдасига ҳал бўлмоқда. Хуллас, ўтган йили кимлар Улуу Лени байроғи остида туриб келган ва келаётган бўлсалар, худди ўшаларнинг ўзи, империализмга қарши, халқлар озодлиги учун, тинчлик, тараққиёт учун кураш олиб бордилар ва бормоқдалар.

Фозилжон ИСМОИЛОВ.

Яхшидан от қолади

Хуқуқ дунёсининг машъали



Машҳур ҳуқуқшунос олима, таниқли давлат ва жамоат арбоби Хадича Сулаймонова 1913 йили Андижон шаҳрида, хизматчи оиласида туғилди. Октябрь инқилобининг дастлабки кунлариданоқ янги ҳаёт учун курашда фаол қатнаша бошлаган отаси Сулаймон ака босмачилар томонидан ваҳшима ўлдирилган пайтда, Хадича етти ёшга ҳам бўлмаган эди. Хадича Сулаймонова мамлакатимизда синфий кураш кескинлашган даврда ўқиди. Шунинг учун бир қанча мудҳиш воқеалар ва адолатсизликларнинг гувоҳи бўлди. Масалан, хотин-қизлар озодлиги учун бошланган кураш жараёнида юзлаб ёрқин аёлларнинг, шунингдек истеъдодли артисткалар Турсунной ва Нурхонларнинг ўлдирилиши Хадичанинг онгида чуқур из қолдирди. Нурхоннинг қотиллари устидан ўтказилган судда

қатнашар экан, келажакда у ҳуқуқшунос бўлишга қарор қилди. Шунинг учун ҳам Хадича Сулаймонова 1931 йили Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети ҳузурдаги Совет кўрилиши ва ҳуқуқи институтига ўқишга кирди. 1935 йили уни муваффақиятли тамомлайди. Хадича Сулаймонова аввал халқ судьяси бўлиб ишлади, сўнг Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси бўлиб сайланди. Хадича Сулаймонова илм шайдоси эди. 1939 йили у Ҳуқуқшунослик институтини аспирантурасига йўл олди. СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Арон Наумович Трайнин раҳбарлигида самарали тадқиқот ишлари олиб бориб, 1945 йили «Ҳарбий интервенция ва граждандар уруши даврида Ўзбекистоннинг жиноят қонунчилиги» деган мавзуда кандидатлик, 1950 йили эса «Ўзбекистонда совет жиноят ҳу-

қуқнинг вужудга келиши ва ривожланиши» деган мавзуда докторлик диссертациясини ёзиб тугатди ва муваффақиятли ёқлади.

Сўнг Хадича Сулаймонова Тошкент Ҳуқуқшунослик институтининг жиноят ҳуқуқи кафедрасига мудирлик қилди, шу институт профессори сифатида дарс берди. Уша йиллари у Москва ва Тошкентда нашр этилаётган махсус журнал ва ўқуқ-маълумларда Туркистон автоном республикаси ва Ўзбекистон ССР жиноят ҳуқуқи, суд тизими, Совет шарқида оилавий муносабатларнинг ўзгариши каби муҳим масалалар юзасидан кўпгина илмий мақолалар эълон қилди, китоблар нашр этди. Хадича Сулаймонова қисқа муддат ичида 80 дан ортиқ илмий асар ёзди ва тез орада чет элда ҳам машҳур ҳуқуқшунос олима сифатида танилди. Унга 1954 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилди. 1956 йили эса Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси қилиб сайланди.

Олима совет ҳуқуқшунослик фанида биринчи бўлиб ўзбек хонлиқларида ҳукм сурган жиноят қонунчилиги, яъни шариатнинг синфий моҳиятини материалистик асосда ёритиб берди, бу қонун-қондаларнинг бойлар ва рухонийлар манфаатини қўриқлашга, феодал тузумни мустаҳкамлашга қаратилганлигини исботлади.

Хадича Сулаймонова илмий ишлари устида гапирар эканмиз, яна бир муҳим масала устида тўхтаб ўтишимиз лозим. У Ўзбекистонда Совет давлати ва ҳуқуқи тарихини яратиб каби хайрли ишнинг ташаббускори бўлган эди. Олима Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Отабой Эшонов билан биргаликда малакали ҳуқуқшунос олимлардан иборат муаллифлар аҳлини тўлади ва республикамизда Совет давлати ва ҳуқуқи тарихини яратди.

Хадича опа яхши мураббия, етук устоз эди. У фани уздуксиз ривожлантириш учун биз ҳамма вақт қобилиятли ёшлардан илмий ходимлар тайёрлашимиз лозим, деб ўқитар эди. Бу соҳада унинг ўзи шахсан намуна бўлишга ҳаракат қиларди. Қисқа муддат ичида ўн олти аспирант ва кичик илмий ходимнинг кандидатлик диссертациясига раҳбарлик қилди. Хадича Сулаймонова Шавкат Уразаев, Анвар Аъзамхўжаев, Константин Тюрин, Георгий Саркисян ҳамда шу мақола муаллифининг докторлик диссертацияларини тайёрлашда ўз ҳиссасини кўшди. У ўзининг бутун қалби билан фани севарди, ҳуқуқ фани дунёсига бамисоли машъал бўлиб ёнар ўз шогирдларини ҳам фанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбияларди. У биз ҳуқуқшуносларнинг танилган мураббиямиз, ҳурматли онахонимиз эди.

Хадича Сулаймонова маъсулиятли лавозимларда хизмат қилди. У Тошкент Ҳуқуқшунослик институтининг директори, Республика адлия министри, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурдаги ҳуқуқ хайъатининг раиси, республика олий судининг раиси бўлиб ишлади. Ана шу даврларда Ўзбекистон

қонунчилигини ривожлантиришга ва шу асосда ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди. Унинг ташаббуси билан Тошкентда суд-тектириву илмий-тадқиқот институтини ташкил этилди. Ҳозир бу институтга академик Хадича Сулаймонова номи берилган.

Хадича опа олима сифатида бир қанча халқаро анжуманларда қатнашди. Унинг сермазун, сиёсий жиҳатдан ўткир нўқъларини Гаага ва Амстердам, Лондон ва Софияда, Қоҳира ва Токиода, Прага ва Коломбода кўп кишилар мароф билан тинглаган эдилар. Масалан, 1956 йилда у Гаага ва Амстердамда ўтказилган учинчи халқаро социологлар анжуманида қатнашди ва «Совет Урта Осиё республикаларидаги оилавий муносабатларда юз берган ўзгаришлар ҳақида» маъруза ўқиди. Маъруза кенгаш иштирокчиларида чуқур таассурот қолдирди. Совет тузуми шароитида хотин-қизлар қандай қилиб қулликдан, бидъатдан, диний асоратдан озод қилинди ва бу сиёсат қандай ютуқларга олиб келганлигини анжуман минбариди ўзбек аёли, олима—профессор, Республика адлия министри гапириб бериши — бу ленинча миллий сиёсат тантанасининг ажойиб намоиши бўлган эди. Шунинг учун ҳам норасмий учрашувларда кўпгина гарб давлатларининг вакиллари, ҳатто, баъзи Шарқ мамлакатларининг олимлари Хадича Сулаймонова билан яқиндан танишишга, у киши билан суҳбат қилишга қизиқади. Жумладан, Туркиянинг бир социологи шундай суҳбатда Хадича Сулаймоновага мусулмон ҳуқуқининг назарияси ва тарихи, қуръон, шариат ҳақида қатор саволлар билан муурожаат қилади ва бу аёлга қойил қолганлигини таълолади.

1960 йилда Хадича Сулаймонова Лондонда Ўзбекистон Миллатлар Ташкилоти томонидан уюштирилган анжуманда қатнашди. Бу ерда ҳам у кўпгина масалалар, жумладан, нам тараққий этган мамлакатларнинг иқтисодий юксалишига боғлиқ бўлган жиноятларнинг олдини олиш, ўспиринлар ўртасидаги жиноятларнинг сабаби ва уларга қарши кураш чоралари ҳақида сўзга чиқади, буржуа ҳуқуқшуносларининг фанга, турмушга зид фикрларини танқид қилади ва бизнинг мамлакатимизда ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш соҳасидаги илғор тажрибаларни гапириб жиноят—адолатсиз тузумнинг махсули эканлигини аниқ далиллар беради.

Хадича Сулаймонова ҳаётдан иккунчи кунлари қайнаб тошган бир вақтда кетди. Аммо ажойиб олима атиги ярим асрлик умрида катта ғайрат ва шиноят билан ишлади ва бой илмий мерос қолдирди. Унинг порлоқ ҳаёти совет иجتимоий тузуми ва ленинча миллий сиёсат мазмунини яна бир бор намоий қилади, қисқа муддат ичида қандай қилиб хотин-қизлар озодлиги йўлида катта муваффақиятларга эришти, уларни паранжидан фан чўққисига, таниқли давлат ва жамоат арбоби даражасига кўтариш мумкинлигини кўрсатади.

Малик ҲАКИМОВ,
профессор.

Малика

Шундай китоблар ҳам борки, улар бошдан-оёқ уйдурма. Лекин, аслида уларнинг заминида ҳақиқат бор. Бу китобда эса фақат исмларгина ўйлаб топишган, воқеа ва фактлар эски газеталар ва ҳужжатлардан, хотин-қизлар овозидининг дастлабки курашчилари ёзган эсдаликлардан, Хужум тарихидан олинган.

Китоб муаллифи Ўзбекистон хотин-қизлар журналида кўп йил ишлаши жараёнида эски замонни пухта ўрганиб олганлигига ишонч ҳосил қилган, бу мавзуга қўл урди.

Хужум партиянинг хотин-қизларни асрлар бўйи асоратда сақлаб келган урф-одат ва расм-русмларга қарши ҳаракатда бўлиб, у галдаги кампания ёки газета кўтарган шов-шув эмас, балки катта тарихий аҳамиятга эга эди. Китоб муаллифи Хужумнинг моҳиятини тўғри тушуниб, яхши ёритиб берган.

Авалло, Хужум фақат Ўзбекистоннинг бутун хотин-қизларига мурожаат қилиб қолмай, ҳар бир аёлга шахсан мурожаат қилди. Уша йиллари хотин-қизларнинг ансарияти саводсиз эди, газета ўқиёлмасди, радио энди расм бўлаётганди. Зангори экранимиз йўқ эди. Ана шундай пайтда ташвиқот билан барча аёлларга эмас, балки муайян Гулнорага, Зухрага, Тўйнисога мурожаат қилишга тўғри келарди. Китоб худди шу ҳақда. Дарвоқе, синовдан муваффақиятли ўтган ташвиқот ва тарбиётнинг бу турини биз ҳозир — матбуот, радио ва телевидение хизматимизга шай турган бир вақтда негадир унутиб қўйдик.

Хужумнинг қўзлаган мақсади катта эди. Янги ҳаётга бир аёлни тортиб, ундан дугонаси, қўшниси ёки қариндошини бу ҳаракатга тортишини талаб қиларди. Шу тахлит ҳаракат қатнашчиларининг сони тобора орғиб борарди. Китобда худди шу ҳақда ҳикоя қилинади.

Муаллиф бирор шоянинг тақдирини кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Малика шеър ёзади, бироқ биз унинг ҳақиқий шояра бўлиб етишинини билмаймиз. Бу унчалик муҳим ҳам эмас.

Хотин-қизларни ҳаётга қорлаган Хужум унлаб истеъдодли аёлларни етиштирди.

Эсимда, ўттизиччи йилларда даярли ҳамма саводли аёллар шеър ёзишарди, ҳаваскорлик тўғрақларига қатнашшарди, газеталарга ёзиб туришарди, оташин нутқлар сўзлашарди.

Ҳар бир аёл ўзининг истеъдодини, иқтидорини ёрқин намойиш этишга интиларди. Хужумнинг энг асосий талабаси ҳам шунда.

Мен, А. Стрельцованинг ушбу китобидан қуйидаги парчани «Гулистон» журналида босишга тавсия этаман.

ЗУЛФИЯ.

Бу воқеа шундай содир бўлган. Бир кун пешин вақтида Зухра ётоқхона ёнидаги кўчада бир кишининг гирди-напалак бўлиб юрганини кўриб қолди. Урта яшар, гўлабидан келган кўса киши кўча эшиги пештоқдаги ётоқхона лавҳасига қўлидаги гижимланиб кетган конвертдаги ёзуви солиштирарди.

— Кимни қидирляйсиз, ҳой жура! — қичқирди Зухра опа, одатдагидек ўтирган жойидан силжияй.

Кўқисдан берилган саволдан ҳалиги киши саросимага тушиб, кетишга чоғланди. Зухра опанинг:

— Қаёқча кетяпсиз? Бу ер хотин-қизлар билми юртининг ётоқхонаси. Сизга ким керак? — деб дўриллаган овози бутун кўчани тўтиб кетди.

Номаълум киши кўринишидан бировнинг ёрдамига унча муҳтож эмасди, бироқ, қоровул хотиндан қўтулишга қиз етмай хўмрага яқинлашди. Аёл бирпасла савол ёғдира кетди.

— Қишлоқдан келган кўринасиз-а? Қариндошингизни қидиряпсизми? Совга-салом олиб келдингизми?

— Ҳа-ҳа, — гапни илиб кетди нотаниш киши. — Қариндошим... Маликани.

— Э, Малика денг! — ёйилди Зухра. — Янги қизимизми? Танийман, танийман уни... Унинг қариндошлари йўқ эди шекилли...

— Нега йўқ бўларкан? Мен қариндошиман. Мана ёзган хати... У белбоғи орасидан гижимланган конвертни олди.

— Балки сиз, Маликанинг тоғасидирсиз? — сўради Зухра. — Унинг тоғаси бор экан, бечора қиз қанча уринмасин, барибир уни тополмади.

— Мен ўша... — Нотаниш киши сал тетик-

ланди, — тугишган тоғасиман! Малика ҳозир қаерда?

— Қаерда дейсизми? Уқишда, у ўқияпти. Фабрикада ишлайди. Бу ҳақда сизга ёзма-гаммиди?

— Йў-е, ёзган. Жиянимнинг юриш-туриши яхшими, демоқчиман.

— Бу ердагиларнинг ҳаммасининг юриш-туриши яхши, — деди лабини қимтиб Зухра. — Сиз чой ичиб ўтира туринг, ҳозир келиб қолади.

Чорақ соат чойлашиб ўтиришди. Зухра опа даҳлизга ўтган ҳар бир қиз тўғрисида бирма-бир ҳикоя қилиб берди. Кейин Маликани ҳар томонлама — одобли, ақлли, доимо китобга мун тушиб ўтиради, дўгоналари уни зурга кўчага олиб чиқишди, деб мақтadı.

— Ҳа, одобли, — масқароузм танроқлади тоғаси. — Яхшиси, шарм-ҳаёсиз, юзини очди, денг.

Зухра опа сержанглиб кетди.

— Шошманг, шошманг, нима дедингиз? — У сўхбатдошига ўшқириб деради. — Қаердан келиб қолдинг? Кўзинг ўрми? Эшикка «Инпрос» деб ёзиб қўйилганини ўқидингми? Буниг не нимагини тушунасаними? Маориф билим юрти? Тушундингми? Бу ердаги хотин-қизлар паранжга ўрғалиб юради деб ўйлабидинг? Сен қанақанг кишисан ўзинг? Тоғасимисан?

— Тоғасиман, ҳа, тоғасиман, — дея тинчланди газабга минган аёлни номаълум киши. — Емонлик қилганим йўқ шекилли, холажон. Сирасини айтдим-да.

— Сени қара-я, — бир оз тинчланди Зухра. — Эх, содда одам-эй, сен юзини очган хотин-қизлар тўғрисидаги гийбатчиларнинг ёлғон-яшиқ сўзларига ишониб юрбсанми? Мен ҳам

паранжимни икки йил олдин ташлаганман, — дея у нафти билан кўрагига қаттиқ уриб қўйди. — Менинг кетимдан озмунча гап қилиб юришдимми? Сенинг жиянинг Малика шундай беозор, шундай ақлли қизки, бундайини чироқ ёқиб қидирсанг ҳам тополмайсан.

Сўхбат яна ўз йўлига тушиб кетди, номаълум киши Зухра опанинг кети узилмас гаплари сабр-тоқат билан тингларди. Бир оздан сўнг сабри чидмай ўрнидан турди-да:

— Маликани кўчада кутиб тураман, — деб чиқиб кетди.

Зухра опа қараса, у сабрлилик билан йўлда у ёқдан-бу ёққа бориб келяпти. Аввалги уни кўздан қочирмай кузатиб турди, бир оздан сўнг ўтирган жойида мудрай бошлади, куннинг ярмида уни доимо уйку элтарди.

Шу тобда кўчада Малика кўринди. Бир неча ой йўлда жудаям ўзгариб кетганди! Ўқилиш, икки юзи нақш олмади, нуқо кигирли кўзлари янада порлаб, катталашиб кетганди эди. Чакнасига гул қистириб олган Малика ҳеч қаёққа қарамай, бир китобчани бағрига босганча шошилди келарди. Малика ўқинчиларга эътибор бермаганидан, орқасидан изма-из келаятган семиз кишини сезмасди.

У ҳовлига кирган ҳам эдики, нимидир орқадан келиб кўлини қаттиқ сиқди. Бу ҳолдан довдираган Малика орқасига ўгирилди... Не кўз билан кўрсинки, қаршисида мулла Азиз турарди. Бу кутилмаган ҳодиса ва қўрувудан у лом-ним дедмай, нафаси ичига тушганча, қўлидаги китобни ерга тушириб юборди.

— Салом, Малика хоним! — деди мулла Азиз сурбетларча ишшайиб. — Эрисиз бир ўзинг қандай яшялпсан? Хурсандирсан балки?

Малика чочмоқчи бўлган эди, бироқ оёқлари турган ердан қўзғалмас, қичқирай деса, овози чиқмасди, у кўздан оқаётган ёшларини беритиш учун бошини қўллари орасига олади, холос.

Мулла Азиз атрафга алаңлаганча дағдаға қила бошлади:

— Сен юзингни мендан эмас, бегоналардан яширинг, ҳаёсиз! Сен кимга ўхшадинг ўзи-а? Эрим мени тополмайди деб ўйладингми?... Қани олдингга туш, эшитяпсанми, шайтондан тарқанган. Бу гуноҳга ботган уйда бир қандай ҳам турмайсан. Ўлдирсанм ўлдирманки, локни сени бу ерда қолдириб кетмайман.

Дў-пўписалардан Малика эсанкириб қолди. Нима қилсин, бу ердан кетсинми?! Безиб кетган уйига бориб яна шу жоҳил эри билан ҳаёт кечирсинми? Йўқ! У мулла Азизнинг обғига йиқилди. Товуши қалтираганча ҳовлини бошига кўтариб фарёд қила бошлади:

— Йўқ, йўқ! Кетмайман. Мени бу ердан олиб кетман! Кетолмайман! Раҳм қилинг, мени олиб кетман! Хоҳламайман!..

Дод-фарёддан Зухра опа уйғониб, хўжрасидан отилиб чинди. У Маликани мулладан аниқлаб олишга уринарди, бироқ, мулла ақлдан озгандек, қизга қанаден ёпишиб, кўяларини йиртиб, сонига чангал солар, афт-башараси демай уриб, тепкилар, жазабаси турганча газабдан бўғилиб қичқирарди:

— Йўқ, мен билан бирга кетасан, ҳайвон, ҳаёсиз! Кетасан, кетмасанг ўлдирман сен! Малика қўллари билан бошини паналаб фарёд билан «Раҳм қилинг, раҳм қилинг», дея илтижо қиларди.

Дод-фарёд ва қий-чуви эшитиб ётоқхонадаги қизлар ҳовлига югуриб чиқа бошлади.

Йигилганлар орасидан четма-кет «Замира» деган овоз эшитиларди. Мулла Азиздан Маликани ажратаркан Зухра опа:

— Замирани қаққиринглар, Замирани! — деб қичқирди қизларга.

Ҳовлида Замира пайдо бўлди, у қизлар тўдасини ёриб олдингга ўтди. Бошдан-оёқ зангга беланиб ох-вой қилаётган Маликани ва юра терга ботиб, ҳамма ёғи тўзғиб кетган мулланинг қўлидан маҳкам ушлаб турган Зухра опани кўрди.

— Ҳуш! — деди Замира йгилганларга қараб. — Нима гап?

Атрафдан ҳамма бараварига гапиряётган эди, Замира қўлини кўтарди.

— Секинроқ, биттангиз гапиринг. Нима гап, Малика? — деди. Малика Замиранинг сўзини эшитмагандек, бошини кўтармади ҳам. Шунда Зухра опа йўғон овоз билан:

— Бу шайтон, мен тоғаси бўламан, деди.

Кейин билсан эри экан... Мен унга айтудимки...

— Тўхтанг!— гапни чўрт кесди Замира.— Равшан! Тур, Малика, уйга кир! Қизлар, уни уйга олиб кириңлар. Кимга гапирарман, Малика, тур!

Шу сўзлардан кейин Маликанинг эс-хуши жойига келгандек бўлди. У ҳеч кимга боқмай оҳиста ўрнидан турди. Гандираклаб хонаси томон юрди.

— Уял!— унинг кетидан қичқирди Замира.— Кимнинг олдида тиз чўқдинг, кимдан шафқат сўрадинг! Эҳ, нодон!

Малика миқ этмай, паришонхотир хонаси томон нетарди.

Замира энди муллага юзланди:

— Кўйворинг уни, Зухра опа. Сиз ўз жойингизга бораверинг. Бу билан ўзим галлашаман. Боринг, бораверинг.

Зухра опа бўлган ишлардан уни оғоҳлантириб қўймоқчи эди, бироқ Замира унинг гапига қулоқ солмади. Бу орада мулла Азиз ҳовуридан тушганди. Снамейнага ўтириб бошини қуйи солганча Замиранинг гапларига қулоқ соларди. Замира эса хотиржам дона-дона гапирар, аччиқланганда қўлини силкитиб қўярди.

— Менга қаранг, мулла Азиз, бахтингиз бор экан. Милицияга топшироқчи эдим — бу қилмишингиз учун сизни судга беришар, бадарга қилишарди. Гапларимни қулогингизга яхшилаб қўйиб олинг. Малика бу ердан йилмайди. У кетишни хоҳламайди. Тушуняспизми, хоҳламайди. Унинг эри ўз қўлида. Бу ердалигини қаердан билдингиз?

Мулла Азиз бу саволга жавоб беришдан олдинга бош тортиди. Замира уни холи-жонига қўймаган, Шарофат холадан эшитганлигини айтди.

— Содда-да, бечора Малика,— хўрсиниб қўйди Замира.— Ҳечқиси йўқ, энди ўйлаброқ иш қилади. Кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотади! Сиз билан ади-бади айтишиб ўтиришга вақтим йўқ. Ҳозир чиқиб кетинг-да, қайта қорангизни кўрсатманг... Зухра опа, қўйиб юборинг бу одамни! Ҳар аҳтимолга қарши башарасини яхши эса сақлаб қолинг. Бу киши Наймандан келган Маликанинг эри мулла Азиз бўладилар.



Мулла қоровул хўраси ёнидан ёнамасига қимтиниб ўтиб кетди. Зухра опа унинг нетидан: «Қани, қани, шайтон, бошингни уриб ёрмасимдан тезроқ туёгингни шикиллат!» деб қолди.

Замира Маликанинг хонасига келганда у ювиниб-таранган ва тоза кўйлаб кийган ҳолда қаравотида ўтирарди. Бироқ, Малика ҳамон кўз ёшларини тўхтаста олмасди. Замирани кўргач, у бошини ёстиқча буркаб, ўқириб йиғлаб юборди.

— Вой, тентаккинам, нега энди ундан раҳм-шафқат сўрадинг?— уни юпата бошлади Замира.— Нима, қўрқиб кетдингми? Бу ердан олиб кетади, яна унинг зулмида қола-

ман, деб ўйладингми? Шунинг учун ўзингни унинг оёғи остига ташладингми-а? Нега энди раҳм-шафқат сўрайсан? Олдинга солиб қувмайсанми? Вой тентаг-ей!

— Мен... мен қўрқиб кетдим,— деди хўрсиниб Малика.

— Олиб кетиб бўпти, нима, сен молминдингни етанласа кетаверадинг. Одамсан-ку! Ўз тақдирингни ўзинг ҳал қилсан!

— Ҳеч қаерга кетишни хоҳламайман. Уқийман.

— Жуда тўғри! Шу ерда ўқийсан. Энди йгини бас қил!..

Марҳамат ЖУРАЕВА таржимаси.

Рабиндранат ТАГОР

ТАЪНАМАС-КУ, КЎЗ ЁШИ...

(Хотин монолоғи)

Кўз ёшларим боисини билмадинг, Фарёдларим назарингга илмадинг, Кечир, жоним, йиғиларга хотима — Бериб, айтдай дилда борин ҳар нима, Ўзинг ўйла, таънамас-ку, кўз ёши...

Менга боқ деб ёлвордимми сенга ҳеч? Ҳузурингга кел дедимми эрта-кеч? Сочларимни силлагни деб айтдимми? Еки айтиб, айтганимдан қайтдимми? Бўла дедимми атрофимда парвона?

Баҳор чоғи судек ойдни жим кеча, Эҳтиросинг оловида ёнгандинг, Юзларингга хўб термиллиб қонгандинг, Мана энди ғамгин боқиб ҳарёна, Қидирасан ажраллишга баҳона.

Мен гўёки ром этилган бир қушман, Аччиқ алам маст қилибди, сархушман, Севинг сўниб ҳувиллабди энди дил, Рёк билан эркалашлар ва ҳазил: Ҳақоратдир, дилга бермас ҳаловат.

Эслаганимни севгимзининг бошини: Кеч куз эди, борлиқ гўё қахрабо, Бутун олам гўзал эди, дилрабо. Қалблар тўла сурур эди, нур эди, Истаклар ҳам беҳад эди, зўр эди.

Ўрмонларда ҳар хил гуллар этиб ноз, Гул баргидан солиб бизга поёндоз,

Муқаддас Ганг ҳайқирарди, тошарди, Муборақ сув қирғоқлардан ошарди, Қуюқ туман тушиб бўлди сарпарда...

Ана шунда қарашларинг ёдимда, Жон қўшинингиз топлишини ёдимда, Кўрнарди нигоҳингизда — кўзингда, Не кўзингда, ҳар бир айтган сўзингда, Сен унутдинг, бари менинг ёдимда...

Кечагина миңлаб одам ичиде Тўшар эди менга дархўл нигоҳинг, Унутардинг уй-оиланг, ҳамроҳинг, Бир кўрмоқ-чун кечар эдинг оламдан, Қўрқмайсанми энди оҳу-ноламдан?

Ихтиёрсиз рўй берганди айрилиқ, Учрашувлар бўлар эди қўп илиқ, Ишларингни унутардинг, елардинг, Бир кўрай деб қўём пайти келардинг, Кўза боқиб дилдагини сезардинг...

Бўлар эди шундай вақтлар, шундай ҳол, Сўз тополмай боқар эдинг жим ва лол... Сўроқ бериб кўрар эдинг бир қатор, Нима десам эшитишга сен тайёр — Сўзим ёқса келтирардинг чечак-гул...

Мана энди қарасанг ҳам кўрмайсан, Сўзларимни назар-писанд қилмайсан, Мен боқиб ҳаёл эриб қувларни Ҳам кўз тутиб ўтказаман туяларни, Сен бепарво, чап кўчадан ўтасан...

Кўёш нашлаб соялар ҳам чўзилди, Ғора-бора кун ристанга узилди. Бу оқшомада сен йирокда ғарибсан, Ё гул юзли бир парила юрибсан, Мен не билай? Булар менга боғлиқмас.

Қидирмагин энди миңг хил баҳона, Биламанки дилинг менга беғона,

Қувончимга кеча олам тор эди, Чунки ёрим мудом менга ёр эди, Масъуд эдим, армон нима билмасдим.

Тану жоним сенга буткул бахш этдим, Дилинг дилга қўшиқ гўё, нақш этдим, Нечун билман, дилданг нақш ўчибди, Севги қуши ўзга дилга қўчибди, Эркалашинг энди мисли ҳақорат!...

Гул қучоқлаб келганида навбаҳор, Тўкиб содлинг севигларинг бир наҳор, Энди менга садақаддай сўзлама! Ўзини шоҳ, мени гадо кўзлама! Қўй, қолайин қайғулар-ла мен танҳо...

Юрагингда ёним экан ўт-оташ, Чўзама қўлинг, қилма дилм баттар гаш, Гар юракда бўлмас экан ҳаяжон, Кўзгалмайди илжайишдан танда жон, На чораки, қисмат бўлди шум ҳижрон?

Воқиф этган ҳар нарсадан сен ўзинг, Дилда қолмиш ҳар табассум, ҳар сўзинг, Ишқинг билан қўнғил тўлган лиммо-лим, Бу савдода гўё бўлиб мен олим, Рост гапирсам, ўйламаки девона.

Ҳайратингни оширмаса жамолим, Сўганмас-ку менинг ақлу қамолим? Сенга дўстим, ҳақиқатни айтаман: Мен дилингда яна бир бор қайтаман, Ишқ дарсидан бошда қолган шу бўлди.

Кўз ёшларим боисини билмадинг, Фарёдларим писандларга илмадинг, Кечир, жоним, йиғиларга хотима — Бериб, айтдим дилда борин ҳар нима, Ўзинг ўйла, таънамас-ку, кўз ёши...

Тўхтасан ЖАЛОЛОВ таржимаси.

Нега шундай деймиз?

ХАЛТА КЎЧА — ДУШМАНГА ҚОҶҚОН

Шаҳарларимизда, айниқса Тошкентда «Халта кўча», «Жин кўча», «Боши берк кўча», деб аталувчи кўчалар кўп бўлган. Уларнинг бирмунчаси ҳозир ҳам бор. Бундай кўчаларнинг бўлиши бежиз эмас. Албатта. Утмишда — хонлар замоннда бошбошдоқлик, ёв-ёв, чоп-чоп кўп бўлиб турарди. Ёв шаҳарга тўсатдан бостириб кириб, ҳамма ёқни талон-торож қилиб кетарди.

Тарихшунос Х. Муҳамедов «Қадимий мудофаа деворлари» деган китобда бу хусусда шундай ёзади: «Маълумки, қадим замонларда ғарб томонда Сирдарё, шарқ томонда Чотқоқ тоғлари Тошкент воҳаси учун табиий тўсиқ, яъни мудофаа қалқони бўлиб хизмат қилган. Воҳанинг шимоли-ғарб томонида бундай табиий тўсиқ бўлмаганлиги сабабли ўша замонларда ҳозирги Қозоғистон чўлларида чорвачилик билан ҳаёт кечирган кўчманчи қабилалар тез-тез ҳужум қилиб турганлар. Бу ҳужумлар таловчилик ва боқчинчилик тарзида бўлиб, ўтроқ аҳолининг доимий хавф остида, безовталикда яшاشига сабаб бўларди».

Мана шунинг учун ҳам ўтмишда шаҳар қурилишида боши берк кўчалар ҳосил қилишга эътибор берганлар. Бундай кўчалар ёв-ёв, чоп-чоп маҳалда иш кўрсатарди. Ёв аҳолини талон-торож қилиш ниятида шу кўчаларга кириб қолгудек бўлса, хонадўрлар эшикларини тангалаб, ўзлари томга чиқиб олар, душманга тош ва бошқа дуч келган нарсаларни оғиб, унинг адабини берардилар.

Тошкентлик косиб Шоаҳмад Шойқуб ўғли ушбу сағрларнинг муаллифларидан

бири Шотурсун Шомақсудовга бу хусусда қуйидагича ҳикоя қилиб берган эди: «Урс келмасидан илгари (Урта Осиё Россияга қўшиб олинмасдан илгари, демоқчи) қипчоқлар тез-тез ҳужум қилиб туришарди. Бозор кўни Чигатой дарбозаси очиб қўйиларди. Душман шунини мўлжаллаб туриб, бирдан бостириб кирарди. Уч юз-тўрт юз отлик қипчоқ кучи етган жойгача талон-торож қилиб борарди. Ҳоким аскарлари ўрдада турарди. То Чақардан у ерга чоғар бориб, аскар етиб келгунича аҳолининг ўзи Чигатойда, Қўштут ва Ҳажмалда эски арвалар, ёғочлардан чип (баррикада) қилиб, душман ҳужумини қайтариб турарди. Бир кўни шундай ёв-ёв пайтида иккита отлик қипчоқ бизларнинг Халта кўчага (бу боши берк кўча Чигатой дарбозаси яқинидаги Хуррият йўлида ҳозир ҳам бор) кириб қолди. Унда мен ёш йигит эдим. Ҳаммамиз эшикларни тангалаб, томга чиқиб ҳалиги қипчоқларни тошбўрон қила кетдик. Бирпасда иккаласини ҳам отдан йиқитиб, чала-қилиб қўйдик. Кейин кўчага чиқиб, оломон қилиб ўлдириб юбордик-да, отларини ўлжага олиб қолдик».

Шундай қилиб, Халта кўчага кирган душман қоққонга тушгандек бўларди. Ана шунини назарда тутиб, юқоридаги мақолни тўқитганлар. «Боши берк кўчага кириб қолди» ибораси ҳам худди шу мазмунни аңлатади.

ҚЎНИНГГА ҚАРАБ ҚЎТОН ҚАМЧИЛА

Илгари чорвалорларда газ, метр ўлчов бўлмасди. Ерни ёхуд бошқа нарсани қўларидидаги қамчининг сопи — ўрими билан ўлчардилар. Масалан, қўйларига қўтон қиладиган бўлсалар, ерни юз қамчи бўйи ўлчаб, сой тошлари билан гир айлантдириб девор қилардилар. Бу билан қўйлар бўри ҳужумидан сақланарди. Юз қамчилик қўтонга тўрт юз бош қўй бемалол сгарди. Бордию, қўйлар юз-икки юз бош бўлса, бунчалик катта қўтон қилишини нима ҳождати бор?

Мазкур мақол билан айтмоқчики, ҳождатдан ортиқча ишга бекорга уриниб нима қиласан? «Бўйингга қараб тўн бич»,

«Игна билан битадиган ишга жуводлизи тиқма», деган мақоллар ҳам мажозий маънода шу мазмунни қайд этади.

САНАМАЙ САККИЗ ДЕМА

Бу мақол Афанди латифасидан олинган. Афандига ҳамқишлоқлари «Сиз шаҳарга тушиб кетаётирсиз, биратўла бизларнинг ҳам ҳождатимизни чиқарақолинг» деб, еттига эшанка дов-дун, мена-чеваларини юклаб, қўшиб бериб юборишпти. У бир жойга келиб, овқатланиб олинти-да, «Кани, бир санаб кўрайчи, тугалми, йўқми?» деб, ашакларни санабди: саккизта. Кўнгли хотиржам бўлиб, яна йўлга тушибди. Анча юргач, йўлда кетагтуриб яна санаса, еттига чиқибди. Афанди бирдан ҳовлиқиб кетиб, у ёқ-бу ёққа аланглаб турган экан, бир йўловчи сўраб қолдипти:

— Ҳа Афанди, безовта кўринасиз?

— Э бирорда, битта эшагини йўқотиб турирман. Саккизта эшди, еттига бўлиб қолпти.

Ҳалиги йўловчи эшакларни санаб қўриб: — Не, саккизта-ку. Тагингиздаги эшакни санамайсизми?

— Ҳа, дарвоқе...

Афанди шаҳарга бориб, молларни эгаларига омон-эсон гоширинтию, кўнгли жойига тушипти. Шу-шу бўптию, яқиб қолиб, ҳар бир нарсани қўли билан бира-бир санашга одатланибди.

Бир кўни ҳазиллаш ўртоғи:

— Афандим, эшагингизнинг оёғи нечта? — деб сўраб қолди.

Афанди эшагидан сакраб тушиб, қўлидаги таёғи билан эшакнинг оёқларига бир-бир уриб: «бир, икки, уч... тўртта», деди. Одамлар бирдан қулиб юборишпти:

— Ҳамма биладикки, эшакнинг оёғи тўртта бўлади.

— Санамасдан саккиз деб қўйиб, яқиб қолганман. Айбга қўшмайсизлар, — деди Афанди.

Мазкур мақолнинг мажозий маъноси шундай: ҳар бир ишни аниқ, равшан билди, ундан кейин қилиш керак. Бир нарсани гапиршдан олдин олди-кетини бундоқ ўйлаб олиш лозим ва ҳоқасо.

Шотурсун ШОМАҚСУДОВ,
Шухрат ШОРАҲМЕДОВ.

Минг йиллик ҳаммом

Афросиёб асрлар мобайнида юзини бернитиб турган зулмат пардасини аста очиб бутун дунёга ўз жамолини кўз-кўз қилмонда. Тубанда биз ана шу парда орқасидан кўрганимиз — баъзи кашфиётлар ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Сўнгги вақтларда Афросиёбнинг ғарбий қисмида Х асрга оид ҳаммом қолдиқлари топилди. Ҳаммом деворларининг эни бир метр бўлиб, унинг анчагина қисми ҳозиргача шинчасиз сақланган. Таг қисми каби, деворлар ҳам қий билан сузалган. Қийнинг анойиб хусусияти шундаки, у намлин теккан сари мустаҳкамланеради. Ҳаммом ўртасида икки обреш бор, уларнинг чуқурлиги 13 метрдан.

Унта хоначанинг ҳаммаси марназий обрешларга сопол қувурлар орқали туташтирилган. Шунингдек, катта ўчоқлардан брилнинг ёнгинасидан кенглиги бир метр, чуқурлиги 70 сантиметр неладиган иккита қозон топилди.

Бу ердан хум, кўза, тоғора, қозон каби сопол идишлар ва уларнинг кўпайиб синиқ парчалари чинди. Сопол идишларнинг ихчам, гўзал ва нафислиги ўша даврда кулолчилик нақадар ривожланганлигини кўрсатади. Кулол лой ишлаш усулларини жуда яхши билган ва турли шаклдаги уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқарган. Уста ўзи ясаган идишлар устидан сир бериб, ҳар хил гуллар, ҳайвонлар, қушлар расмини чизган. Мана шундай чиройли ва ихчам қилиб ишланган идишларнинг бўёқлари, ер остида минг йил ётганига қарамай айнамаганлиги кишини ҳайратга солади.

Урта асрларда сопол идишлар билан бир қаторда шиша идишлар ҳам кенг қўлланган. Бу ерда топилган бут-бутун шиша идиш-

лар ва уларнинг жуда кўп синиқлари шунини тасдиқлайди. Айниқса турли хил рангдаги дераза ойналарининг парчалари ўша даврда шишасозлик жуда ривожланганлигидан далолат беради. Ҳаммомни қазиб пайтида иккита сурмадон, олтин зирар, биланузун, марварид ва маржонлар топилди. Афросиёбда биринчи марта қўлга киритилган бу тилла зирак ўрта аср заргарчилигининг гўзал намунаси сифатида катта илмий аҳамиятга эга. Қазиб вақтида топилган сомоний ва сўғд тангалари, қулолчилик буюмлари Афросиёб ҳаммоми Х асрга оид эканлигини исботлайди.

Текширув пайтида яна бир ноёб нарсасга дуч келдик. Бу — аёл кишининг мўъжиза ҳайкалчаси эди.

Тарихий кўлбазларда ёзилишича, узоқ юртдан келган элчи ёни сайёҳ аввал ҳаммомга туширилиб, сўнгра чиройли шиша идишчаларга солинган атир, муш-анбарлар билан сийланган. Шундан кейингина ҳоким саройига қабул қилинган. Мазкур қазилма ўтназилаётган жойдан жуда кўп шиша синиқлари топилганлиги, эҳтимол ҳаммом ёнидаги ёрдამчи хоналарда атир ва бошқа шунга ўхшаш суюқликлар сақланганлигидан бўлса керек.

Урта асрларда одамлар ҳаммомга катта аҳимият беришган. У даврда ҳаммомлар фақат шахсий тозаланиш манбаигина эмас, даволаш муассасаси ҳам бўлган.

Шорасул ШОРАҲИМОВ.



Тўй ТўйдаЙ ЎТСИН

ЗАРУР БАҲС

Тўй ДЕСА ДЕГУЛИК

Қишлоғимизда тўй маросимларини ўтказишга мураббийлар бош бўлишмоқда. Бундан ҳамма ота-оналар миннатдор бўлишяпти. Тўйда меҳмонларга кўнгилдагидек иззат-икром кўрсатилади. Фақат ёш болаларгина тўй дастурхонига қўйилмайди. Биз тўй кенасида шоду хуррамлик учун отарчи ёлламаймиз. Ўз санъаткорларимиз доимо хизматга ҳозирроқ пазир. Тўй эгасининг ортқича харажат қилишига йўл қўйилмайди. Ҳамма гап аҳилликда экан. Янгича ўтаётган тўй маросимларидан каттаю кичик рози.

Содибек ИҮЛДОШБОВЕВ,
Оржоникидзе районидаги Ленин
номли мактаб муаллими.

АГАР ИЛОЖИ БЎЛСА...

Тўй тараддуди келин учун ҳам, куёв учун ҳам бирдек ташвиш келтиришини ҳамма билса керак. Минг афсуски, келин-куёвбош кийимлар, сарполар магазинлардан топилавермайди.

Шундай бўлгач, «Бахт дўст»ларини кўпайтиришга нима етсин. Менимча, бу ҳар бир бўлгуси келин-куёвнинг тилаги.

Тоштемир ҲАНИТОВ,
Чилонзор массиви.

ТўЙ—БИР МАРТА БЎЛАДИ

Қутлуғ никоҳ бир марта бўлади. Шу сабабли ҳам онла қуриш маросими бир умр эсда қоладиган бўлиши керак. Тўғри, шу кунларда ибратомуз расм-русмларга кўп жойларда амал қилинماпти. Яқинда шундай русмлардан бирининг шоҳиди бўлдим. Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз оқсоқоллари никоҳ тўйи дастурхонидан «оби замзам»ни бир қадар суриб чиқаришибди. Ҳозир тўйда маст-аластлик ҳоллари бўлмас экан.

Мен Оҳангароннинг Облиқ қишлоқ советида ёру дўстлар билан бир тўйда қатнашдим. Бу ерда фақат бир одатдан ранжидик.

Куёв жўралари билан келинни кичига кел-

ди Уларни ҳурмат-эъзоз билан кутиб олишди. Аммо йигитларнинг дастурхонини тузатиш учун хонага кирган янгаларнинг ҳар бирга куёвнинг яқинлари 30—35 сўмдан пул тутқазиб туришлари шарт экан. Ваҳоланки, янгаларнинг бу кириб чиқишлари бир неча бор такрорланади.

Тўй маросимларидан бачкана одатлар қанчалик тез суриб чиқарилса, ўшанчалик дуруст бўлув эди.

Мўмин ҚАЮМОВ,
Оҳангарон Давлат педагогика
институтини ўқитувчиси.

ТўЙЛАРИМИЗ СОЗУ, ЛЕКИН...

Халқимизнинг ажойиб анъаналари бор. Лекин қувноқ тўйларимиз анча-мунча камчиликлардан холи эмас. Уйланаётган йигит ёру дўстлари келинни кичига келгач, баъзан хунук ҳодисалар бўлади. Куёвлар ур кетди, сур кетди қилиб ўзларини хонага урадилар. Бундай ҳолларда йиқилиш, ойна-эшикларнинг синиши ҳеч гап эмас.

Ота-боболаримиздан қолган яхши одат бор — куёвнинг ҳурмати учун йўлга поёндоз солинади. Ростини айтганда, куёв бечоранинг оёғи тегар-тегмас, ўн-ўн беш киши поёндозни торқчилаб қолади. Бу аввало одамнинг қулгисини қўстатса, бир томондан газабини келтиради. Бир киши у ёққа зўр бериб тортса, иккинчиси бошқа бир томонга тортади. Хуллас, шу бир газча духобани шашалоқдай қилиб бўлиши олмагунча, тинчишмайди. Шунинг ўрнига хонага бирин-кетин, ҳурмат-эҳтиром билан кирилса нур устига нур бўлмасмиди?

Бу етмагачдек, кўп жойларда, йигитлар оёқ кийимларини ечишга эриниб, шохона тўшалган кўрпачаларга тап тортмай ўтиравердилар. Бу ўта дидсизлик ва ҳурматсизлик аломатидир.

Бир дўстимнинг тўйида шундай воқеанинг гувоҳи бўлдим: ўн ёшлар чамасидаги бола бўшаган ишчаларини йиғиб онасига келтириб бераяпти. Онаси эса, «бор, яна олиб кел, эртага ўзинг сотиб оларсан», дейди. Бола меҳмонлардан яна ишча сўрайди. Баъзилар беради, баъзилар хотамтойлик қилиб ҳатто «юзта» ичиради. Болалар баъзан катталар билан қизни кичига борадилар. Бундай вақтларда катталар кўчада қолиб, хона болалар билан тўлиб кетади.

Кундан-кун гўзаллашиб бораётган тўйларимизни қувноқ, яхши ўтказасак, йигит-қизнинг ёдидан бир умр кўтарилмайдиган бўларди.

Муҳаммадумар СОДИҚОВ,
Андижон, Ленинск
босмахонасининг ишчиси.



Барно ва гул

БОЙҚУШ НЕГА ЙИҒЛАЙДИ?



Тонг маҳали олмасордан бойқуш ноласи эшитилди. Еш боланинг ўқиб-ўқиб йиғлашгани эслатарди у. Кампирлар даргазаб бўлиб қўлга ҳасса олдилар. Бувиларининг авзонини кўрган болалар бойқушни қувлаб кетишди. Бойқуш бошқа ҳовлига бориб кўнди. Эндигина сайрай бошлаган эди ҳамини, ҳовли эгаси милтиқ кўтариб чиқди. Таҳқирланган бойқуш зўрга қочиб қолди.

Қушлар орасида ҳаммадан ҳам бойқуш ҳақида афсона кўп. Бу афсоналарнинг баъзиларини яна бир бор эслатиб ўтишни маъқул топдик.

...Бойқушнинг ўғли қаергаки манзил қилса, ўша ерни кўриб қолармиш. Бойқуш ҳам худди шундай эмиш. Шунинг учун уни бойқуш ёки бойқўгли, дейишармиш...

...Бойқуш Азроилнинг элчиси эмиш. Азроил кимнинг жонини олмоқчи бўлса, аввал бойқушга билдирармиш. Бойқуш эса бу ноҳуш хабарни тонгдаёқ жони олинувчи кишининг ҳовлисига маълум қилармиш. Қайси ҳовлида бойқуш сайраса, ўша ерда мотам бўлармиш...

...Бойқушга худо! Е кирқ йил умр кўру ҳаётинг азоб-уқубатда, тухмат ва таҳқирда ўтсин, ёни бир йил яшаю, фароғатда кун кўр», дебди. Бойқуш: «Бу дўзах каби дунёда бир йил яшашнинг ўзи кифоя. Фақатгина марҳаматингдан ҳар нуни нонуштамга бир чумчуқ ато этсанг, харобаларни кўпайтирсанг бас», дебди. Бойқуш бир йил умр кўрармиш. Айни нонушта пайти бир чумчуқ унинг олдига учиб келармиш...

Бу афсоналарнинг бари бойқушнинг маюзига қараб тўқилган бўлса ажаб эмас. Аммо бойқушнинг жисми ва яшаш шароити билан танқитчан кишининг бечора қўшга раҳми келиб кетиши тўғрисида гап.

Рус табиатшуноси В. И. Осмоловский 1.227 та бойқушнинг ҳаёт тарзини ўрганган. Бу кузатишлар бойқушнинг одамга нафли эканлигини исбот қилади. Энг аввало, бойқушнинг бир йил умр кўриши ёлгон. У 40—50 йилгача яшайди. Умри давомида сичқон, кўрсичқон, каламуш, юмронқоziқ, калтанасан ва турли қишлоқ хўжалик зарарикундалари билан озиқланади. У дон емайди. Бу қуш ейдиган озуқанинг 98 фоизи инсонга зарар келтирувчи немирувчилардир. Биргина сичқонни олинг. У инсонга ўнга яқин юқумли касалликларни тарқатади. Қанчадан-қанча қишлоқ хўжалик маҳсулотларига зарар етказди. Юмронқоziқлар эса ҳар йили тонналаб галлани инларига ташиб кетишади.

Бойқуш каламуш, юмронқоziқ каби зарарикундалардан анча ожиз бўлса-да, жуда тадбиркор ва эҳтиёткор ҳисобланади. У ўлжасини бақувват панжалари билан маҳкам тутиб, ўзидан нарироқ тўтган ҳолда унинг кўзини ўйиб олади. Маълумки, бу зарарикундаларнинг бари кечаси овга чиқади. Демак, бойқуш ҳам кечаси овга чиқишга мажбур бўлади.

Бойқуш бургут, қирғий, қалхат каби йиртқич қуш ҳисобланади. У оч қолган пайтларида чумчуқ ва беданани ҳам тўғиб ейиши рост. Аммо бундай ҳол сийрак учрайди. Бойқуш кўп ҳолларда ўлжасини ўлдириб, инига ташиб келди ва инудун кунлари инидан чиқмай, у билан озиқланади.

Унинг нима сабабдан харобаларни ёқтириши энди сизга маълум бўлгандир. Чунки унинг сичқон, каламуш, калтанасан сингари ўлжалари вайронларда кўп бўлади-да. У кўпинча ана шу вайронларда, дарё соҳилларида, жарликларда кун кўради. Инини жуда маҳорат билан ясаб, унинг ичига майин жун тўшайди. Ҳар йили 4—6 тагача тухум қўяди. Тухумини 25—30 кунда очиб чиқади. Болаларини узоқ вақтгача гўшт билан боқади.

Бойқушнинг кўриш ва эшитиш аъзолари жуда яхши ривонланган. У кечаси ҳам анча узоқ масофадаги ўлжаси ёни душманини кўра олади, шарпасини эшитишади. Бундай хислат бошқа қўшларда йўқ. Бойқуш турган жойда бўйинини 270 даражача бурта олади, яъни орқасидagi нарсаларни ҳам бемалол кўради.

Бойқушнинг кўпгина хислатлари ҳалигача фанга сир бўлиб келляпти. Жумладан, у бир йула икки кўзи билан икки томонга қараб олади. Қушлар, ҳашаротлар, сувда яшовчилар, ҳайвонлар орасида бундай хислатга эга бўлган жондор йўқ. У ер бағирлаб жуда енгил ҳам тез учади. Аммо учиб нетаётганида ҳеч қандай товуш чиқармайди. Унинг товушини эъзони кучайтирувчи асбоблар билан ҳам сезиб олиш анча қийин. Олимлар бойқушнинг бу хислатини ўрганиб, ишлаб чиқаришга жорий этиш лозим, демоқдалар. Бойқушнинг бу хислати унинг ўзига жуда кўл келади Чунки хужумга ташланганини унинг ўлжалари, ҳатто гойат сезгир сичқон ҳам сезмай қолади.

Ҳар бир бойқуш оиласининг икки-учтагача ини бўлади. Улар баъзан бу уйда, баъзан эса бошқа бир уйда кун нечиришади. Инини гойат тоза сақлайди. Қишда бошқа қушларга ўхшаб иссиқ ўлжаларга учиб нетмайди.

Инсоннинг энг яқин дўсти бўлган бу қуш Америкада, Урта Осиёда ва Европанинг баъзи ерларида учрайди. ҳолос.

Бойқушнинг душманлари ҳам борми? Ҳа бор. Булар: бургут, ёввойи мушук ва... одамлар. Ҳа, кўпгина одамлар уни кўришлари билан тошбўрон қилишади. Кўпинча эса, отиб ташлашади. Ахир, одамлар мусича, чумчуқ, қарга, зағча каби дохкўр қушларни эъзозлашади-ку?! Ваҳоланки, бойқуш бу паррандалардан беш-ўн бараваар фойдаландир.

Бечора бойқуш шунинг учун ҳам йиғлармикин?

Нусратилла РАҲМАТОВ,

Самарқанд давлат университетининг илмий ходими.

Рухсора ШАРОПОВА,
журналист.

ҚИЗИҚ ҲАНГОМАЛАР

ЧЎКИБ ЎЛМАГАН ИТ

Колхоз чўпони Хидирали ака Йўлдошевнинг Бўрибосар лақабли ити қаттиқ касал бўлиб қолди. Овқат емай кундан-кунга озиб кетаверди. Итнинг кечалари инграб қийнаётганини кўрган чўпон нима қилишни билмай азоб чекарди. «Ўзим қариб қолди, ўлиши аниққа ўхшайди. Ўлса ҳам қийналмай ўлсин», деб Хидирали ака эрталаб итини дарё бўйига эргаштириб келди. Кўзини чирт юмиб итнинг бўйинига тош боғлади-да, сувга чўктириб юборди. Ўз қилмишидан ўзи гамнок бўлиб уйга қайтди.

Азон пайти... Хидирали ака инграётган овоздан уйғониб кетди. Нимадир эшикни тирнар эди. Хидирали ака дарвозани очди. Бўрибосар! Девор ошишга ҳам мадори қолмаган ит эгасининг оёқлари остида «гуноҳим нима эди», дегандек инграр эди.

Хидирали ака хижолат тортиб, эртасига уни мол докторига олиб борди. Бўрибосар ҳозир тузалиб кетган. Яна чўпон билан бирга қўй-қўзиларни қўриқламоқда.

ТАНГА ЎГРИСИ

Шокир Юнусов эрталаб ишга келдию, кечқурун қолдириб кетган тангаларининг анча камайиб қолганлигини кўриб ажабланди. «Ҳеч кимга бергани йўқ. Ким ўйирлайди?» Бир вақт у бурчадан шитир-шитир овоз эшитди. Қараса йўғон бир каламуш тўғри тангалар солинган идиш ёнига келяпти. Каламуш бир донга оқ тангани тишлаб яна инига қайтди.

Юнусов дарҳол каламуш инини қовлади. Ундан 12 сўмлик оқ тангалар чиқди. Шуниси қизиқки, каламуш бирорта ҳам сариқ чақага термаган, фақат оқ тангаларни ўйирлаган экан.

ТУХТАШ,
Уш.

Савобар ҲАСАНОВА

ЯХШИЛАР

Яхшилар васфин баён айларга кўп хуморман,
Яхшилар васлин кўрарга, суҳбатига зорман.

Яхшилар бу ҳур замонан маслағин ойнаси,
Шу сабабли хуштабиат, яхшиларга борман.

Меҳнат, ишқ, аҳду вафо—ҳар яхшнинг ҳамхонаси,
Илму толиб, дўстга содиқ қалбига ҳамкорман.

Мунус меҳри, мунаввар яхшилар жононаси
Қалбининг оташлиги тулхан кабига ёрман.

Кўрмасин ҳеч қайғу қулфат яхшилар пешонаси,
Шодлигу тинч меҳнатини ёзғали тайёрман.

Аёлларга очиқ хат

Ассалому алайкум, саришта аёллар, фаришта аёллар!

Юзи офтоб келинлар, қайнонабоп келинлар!

Гузаликда тўтига, зеболикда сарвга дарс берадиган санам қизлар!

Сизнинг таъриф-тавсифингизни минг йиллаб қуйлашди, бунга бирор янгилик қўшаман, деган одам ён киссасига пул бекитиб қўлга тушган эркакдай хижолатда қолади. Бас, шундоқ экан, каминангиз ҳам инсониятнинг гузал жамоаси бўлиши. Сиздай меҳрижаҳонларга аталган насрий саломномани тўппа-тўғри топшириб қўяқолишга жазм этди.

Мухтарамалар! Сиз каби биз, эркаклар ҳам 8 Мартини эътибор билан кутганимиз. Мана, уни омон-эсон ўтказиб олдик. Бироқ ҳамон бошимизни эгиб, қўлга қилиб ўтирибмиз. Лекин бу 8 Март кунни сизларнинг соғлигингизга кўтарган қадаҳларимиздан эмас, самимий, чин таъзимдан, аниқроғи, эъвоз-хурматдан деб билгайиз.

Хозир хаёлимни титқилаб, аёллар ҳақидаги сал тузуқ, қўрқмай гапирса бўладиган гапларни ахтараялман.

Машойихлардан бири «Аёл — уйнинг устун» деган экан. Албатта, битта устуннинг ўзи билан уй тик турмайди. Уйга бошқа устун ҳам керак. Яъни, масалан уйнинг аёлдан бошқа устунни ҳам бор. Бу устун... Хуллас, нима демоқчи эканимни тушунган бўлсангиз керак.

Эндилликда сира иккиланмай, Аёл — ҳаёт устун дегаверши мумкин. Лекин битта чатоқ жойи шундаки, баъзи куёвлар бу устунга яхши кунларда эмас, «уфати чор» бўлиб, девор кучоқлаб келган кунлари кўпроқ суянадиган бўптилар. Бундайларга таъна қилсангиз, «Бизнинг хотин чиндан уйнинг устун. Доим тикка кириб, тикка чиқади» дейишади. Бу, албатта, ёлгон. Негакки, уйга тикка кириб тикка чиқадиган аёл кунора кир ювиб, хамир қорадиган эркак сингари бармоқ билан санарли бўлса керак.

Гегелнинг фалати бир гап бор экан. «Аёлларда энг тараққий этган аъзо — бу тилдир» денти у. Бундай камситишга биз эркаклар жума қўшилмаймиз. Чунки СССРдаги хотин-қизлардан салкам олтими фонзининг сумкасида ё диплом, ё етуклик шаходатномаси юрар экан. Мана шу сумка билан аёлларимиз Гегелга яна бир бор зарба бердилар.

Аммо, гапнинг ўғил боласини айтганда, бир шум хабар эшитиб, эркакларнинг уяси бузилай деб турибди. Бир замонлар хотин оила бошлиғи эди. Миш-мишларга қараганда, яна ўшанақа бўлармиш. Бу қанақаси ахир?! Самоварда ошни хотин есин у ўчоқ бошида эркак оғзи-бурнини қуялаб ўтирсин?! Кўчада (тўй-пўй ё томошага боришда) хо-

тин рўмолини қийшиқ ўраб саккиз қаддам олдинда бедана юриш қилсини, сен ортидан вўноқ ошиқдай эргашиб юрсанг?! Ё бўлмаса хотин, мажлисим бор кечроқ бораман, шиферимдан овқат бериб юборинг, деб сизм қоқсини, эркак шўрлик дам-бадам болаларнинг лозимини янгилаб, оғзинга сўргич солиб ўтирсин?! Йўқ, бундай бедодликка чидаб бўлмайди, бу — эркакларга нисбатан бой-феодалларча муносабатнинг ўзгинаси!

Эркакларга нисбатан бой-феодалларча муносабат аниқса ичкилик масаласида яққол намоён бўлаяпти. Мана бир мисол.

Бир «муштилар» эр «бераҳм» хотиндан дашном елвериб жонидан тўйибди-да, дўстига ёлворибди:

— Жон дўстим, кўп ичасан, деб хотиним кун бермайди. Бир илож қилсанг, келаси йил 8 Мартадаги зиёфатга етолмай оламдан ўтишим турган гап.

Дўсти ўйлаб-ўйлаб бир ҳийла топибди. Шомлаб ўртоғиникига келиб эшик тақиллатибди. Хотинни чиқибди.

— Кечирасиз, мен ўртоғингизнинг ўртоғи бўламан. — дебди у. — Салим пўрим деганни эшитган бўлсангиз керак. Шу менман. Ўзим ҳар кунни ярим литрдан ароқ ичаман. Шунга... ҳалиги Эшмат деган дўстимиз бутун ўтириш қилаётган экан. Ўзи ҳар кунни бир литрдан ичади... Топшматни ўша ўтиришга чақириб келудим. Йўлдан кунига бир ярим литр ичадиган оғайнимизниям ола борсин. Эсингиздан чиқмасин, янга, зиёфатда кунига икки литр, икки ярим литр ичадиган ошналарингиз ҳам бўлармиш, деб қўйинг. Кечирасиз, янга, ман борай. Кунига уч литр ичадиган ажойиб бир дўстимиз бор. Хали ўшаниям айтишим керак эди. Хўп хайр...

Бераҳм хотин бир ҳол бўлиб, анграйиб қолибди. Эшикни ёпар-ёпмас, ёқасига туфлаб шукрона келтирибди:

— Хайрият... Эр — ўзимнинг эрим экан. Вечора кунига бир шишанинг ярминини ичади. Шунга бошгивасини қотириб ўтирибман. Шукр қилдим...

Бу лавҳага бирор нарса қўйиш лозим эмасдир. Мабодо лозим бўлса, «Эркакларни эҳтиёт қилинг!» деган жумлани қўйиш мумкин.

Яқинда кампир қўшнимиздан бир гап эшитиб қолдим. Сочинг узуни, гапнинг қисқаси яхши экан. Мен ҳам, қирқ юкил қизларимизга, моҳирўй аёлларимизга узун соч, узун бахт, узун қўл (узун тил эмас) ва узун умр тилаб, машҳур Аркадий Райкиннинг машҳур сўзини келтираман:

— Аёл — инсоннинг дўсти. Шунинг ҳеч қачон унутманглар, ақлли эркаклар! Таъзим ила — бир гуруҳ эркаклар номидан:

Саъдулла СИЕЕВ.



Йилда бир навбат.



Қутлов.



Сўзсиз сурат.

М. ВОРОБЕЙЧИКОВ расмлари.



«Дори»дан кейин дори

М. ВОРОБЕЙЧИКОВ расми.



— Директор кетдиларми?..

С. СУБХОНОВ расми

Яхши гапнинг ҳам, ёмон гапнинг ҳам қаноти бўлади, деганлариден, лотереяга «Волга» ютиб олганлигим тезда бутун шаҳарга ёйилди. Дўстларим қувонди, душманларининг ичининг таталади. Мендан юз ўгирган баъзи танишларим ҳам «надрдон», «дўстим» сўзларини қўшиб, қўлимини қиспишди. Икки-уч идорадан телефон қилишиб, — «бизга ишга нелмайсизми, сизден одам бизга ҳаводен зарур», деган илтимослар ҳам бўлди.

Ҳаммасидан қувончлиси совчиларни қайтариб юборган, муҳаббатимни тан олмасдан «тенг-тенгги билан, тезан қоли билан, яхши йиғит, бўйингиз етадиган дорга осилинг», деган қиз Раҳимахоннинг узангидан тушгани бўлди.

Қизи тушмагур ҳар нуни йўлимни тўсди: — Бир гапимга шунчами, сирнаси сув нўтармайдиганлардан экансиз. Мен сизни синамоқчи эдим. Сизларга қолса тил учида севаман дейишингиздаёқ қизлар бўйингизга осилиб олишса! Осон овқатда маза бўлмайди. Қиз боланинг аса шунақа қалбни ўртайдиган нози бўлади.

Бу гаплар қалбимдаги сўниб қолган муҳаббат ўтини алангалатди. Бироқ негадир қалбим ғаш. «Аслида у мени севмайди-ку, машина ютиб олганлигини эшитиб шундай қиялптимини». Шу ўй тинчлик бермади. Шундай бўлса-да, қиз билан тез-тез учрашадиган, кино-театрларга борадиган бўлиб қолдим. Орамиздан қил ўтмайди. Сирли изҳори-муҳаббат пайтларида ҳам қиз машинадан сўз очмади. Демак, хабари йўқ.

Ҳозир айтмай қўқолайин. Кейин тасодифий қувонч бўлади. Чиндан севишлигига энди ишондим.

Бир ой ўтар-ўтмас тўйимиз бўлди. Учинчи нуни эшидан киришим билан:

— «Волга» қани?— деса бўладими. Ҳангманг бўлиб қолдим. Билар экан. Аллақачон эшитган, Шундай бўлса ҳам ўзимни туттиб:

— Қанақа «Волга»?— дейганими. Қолдим балага.

— Ие, ҳали мени билмайди дерсиз?! Сиз ўйлаганчали бурнинг қани, деса қулогини нўрсатадиган содалардан эмасман. Сиз шохида юрсангиз, биз ялроғида юрамиз. Кўринишда соддага ўшарганингиз билан туани ютсангиз, думини нўрсатмайдиганлардан экансиз. Яна пулини оламан, деб



юрманг, машинани ўзини олинг, ёшлинда бир маза қилиб ўйнайлик, жонгинам. Сиз ҳайдашни билмасангиз, укам шофёр!

Хотиним жағи-жағига тегмай сайраб кетди. Бўлар иш бўлган эди-да. Ҳамма гапига хўп-хўп билан аранг қутулдим. Барибир бошим галвадан чиқмай қолди. Ҳар нуни «нега машинани юборишмайди, суриштирмайсизми» дегани деган. Бу ҳам етмаганден, хотиним ўн икки варақли натав дафтарга саёҳатга, меҳмонга борадиган жойларимизнинг ренасини тузиб чиқди.

Хотинимнинг бу эзгу орзуси ҳам тезда ушалди. Ярқираб турган «Волга» машинани уйимизга келтириб бердилар. Аввалги нўргилигим гапми, ишининг наттаси бу ёқдан чинди, Идорадан келгунимча қаноат қилмай беш-олти марта телефон қилади. Ишхонадагилар «нелинпошша жуда чаққонлашиб кетдиларми», деб қўйишадиган бўлди. Ҳар нуни ишдан келаману дам олмай саёҳат ёни меҳмонга жўнайимиз. Хотинимнинг менга раҳми келиб, майли, бугун дам олинг, деган нуни уни шаҳарни икки марта айлантриб нелишим ёни ҳаммомга, сартарошхонагами, тикувчигами олиб боришим шарт.

Баъзан машина ютиб олганимга афсус-

ланаман. Ахир, рост-да. Машина келгандан бери қўлогим галвадан чиқмай қолди. Дўстларим билан бирор соат чақчақлашиб ўтира олмайман. Дўстларим: «Машина ютмаганинг дуруст экан, бир яхши одам эдинг, гаплашиб турардин. Энди ё одамгарчилидан чиқдинг, ё нўтарилиб нетдинг», деб таъна қилишади. Нима қилишимни билмай қолдим. Буларнинг барчасига сабабчи — хотин. Энди унинг «сизни севиб тиканман», деган сўзларига шубҳалана бошладим. Охири кечаю-кундуз мен қолиб машинага ёпишиб олса, шубҳаланмайми. Шундай бўлса ҳам бир синамоқчи бўлдим.

Бир нуни машинада кетиб, уйга яёв қайтдим, хотиним қани машина деган эди, атайин: «Тоғамга совга қилиб юбордим», дедим. Бу гапни эшитган хотинимнинг бетоб одамден ранги оқариб кетди. Менга еб қўйгуден бир ўйрайди. Хотин кишининг бунақа ўқрайишнинг киноларда ҳам кўрмаганман. Тонг отгунча қилди жанжални, қилди жанжални. Унинг гапларига илонлар пўст ташлайди. Эртасига ўз хожишим билан беш кунлик номандировнага жўнадим.

Командировнадан қайтган, узи уйимдан ўзим нўриб нетдим. Худди ўғри урганден шипшыйдам. Уртадаги стол устида мана бу хат турибди:

«Мен сизга севиб эмас, машинангиз борлиги учун, идеалимдаги орзуга эришман деб текнаман. Мени бу уйда тутиб турган бирдан-бир илиним ҳам шу машинада эди. Енгил машинаси йўқ эр, эр бўлиб қарога борди?! Шу оддий ҳақиқатни ҳам тушунмай тоғангизга бериб юборган бўлсангиз, калла деб футбол тўпини нўтариб юрган экансиз. Бунақа каллани ёш болаларга беринг, тегиб пишириб беришади.

Сизга газав ва нафрат билан собиқ рафиқангиз Раҳимахон».

Хатни ўйиб, олдин алданганлигим учун газавландим. Кейин елкамдан оғир тоғ адарилгандек ўзимни енгил ҳис қилдим.

Эрталаб тенис, равон асфальт йўлдан машина ҳайдаб кетаётсам Раҳимахон йўлимни тўсди. Секинладим. Лекин тўхтатмади. Фақат муттаҳам, деган сўзни эшитдим. У шундай деб мени айтдики, ё ўзини — эътибор бермадим.

Т. АШУРОВ,
Уш.



